БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 9 февраль Жума
№ 28 (13.464). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 7 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу масала юзасидан докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Пленумда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалиев, ВЦСПС секретари Г. С. Баштанюк, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, «Туркменгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пармаловчи мастери А. Б. Шалиев, конституцион назорат комитетининг раиси, СССР Фанлар академияси Урал бўлими фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори С. С. Алексеев сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган таҳрир комиссияси номидан Г. П. Разумовский сўзга чиқди.

Пленум таҳрир комиссиясининг таклифларини атрофлича кўриб чиққанидан кейин тушган мулоҳазаларни ва бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини маъқуллади (матбуотда эълон қилинади) ҳамда шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Литва Компартияси XX съездининг қарорлари билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленумда Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.—М. Қ. Бразаускас, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) мувақкат Марказий Комитетининг секретари М. М. Бурокявичюс, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари В. А. Купцов, Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи секретари А. П. Клауцен, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) мувақкат Марказий Комитетининг секретари В. Н. Швед, Пермь шаҳридаги «Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси Н. М. Ершова, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани Раиси Ю. Д. Маслюков, Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ю.—В. Ю. Палецкис, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) мувақкат Марказий Комитетининг секретари В.—Ю. Ю. Кардамавичюс, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. Қ. Лигачев сўзга чиқдилар.

Пленум мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди, қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февраль қарори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси Пленум қатнашчиларининг муҳокамаси ва мулоҳазалари ҳисобга олиниб, маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси партия ташкилотларида, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртасида муфассал муҳокама этиш учун эълон қилинсин.

Литва Компартияси XX съездининг қарорлари тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Литва Компартияси XX съезди қабул қилган қарорларни унинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ташкилий-сиёсий алоқани узиши, деб ҳисоблайди.

Пленум бундай хатти-ҳаракатларни қоралайди, чунки улар КПССнинг бирлигини бузади ва совет федерациясини янгилаш жараёнларига, умуман жамиятга катта зиён етказади.

2. Пленум Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) мувақкат Марказий Комитетини тузган, байналмилалчилик қоидаларига содиқ бўлиб қолган, кўп миллатли Иттифоқимизнинг барча халқларини жипслаштирувчи КПССни демократиялаш ва янгилаш шароитида революцион ўзгаришларни амалга ошириш учун курашаётган литвалик коммунистларни қўллаб-қувватлайди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ЛКПнинг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) мувақкат Марказий Комитети амалий фаолиятида унга зарур бўлган ҳамма ёрдамни беришни ва бунинг учун тегишли моддий ҳамда молиявий шароитларни яратишни топширади.

3. Пленум мустақил Литва Компартиясига кирган литвалик ўртоқларни Литва Компартияси XX съездининг КПСС Программаси ва Устави амал қилишига тааллуқли қарорларини КПСС XXVIII съездигача тўхтатиб туришга ва шу асосда КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси билан биргаликда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашга яна бир бор даъват этади.

Пленум Литва коммунистларига мурожаат этиб, КПСС Марказий Комитетининг съездолди ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилишга киришишга, Литва халқининг, бутун кўп миллатли давлатимизнинг тақдири учун, революцион қайта қуришнинг тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англаб олишга чақиради.

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

Ёшларнинг ишончли вакиллари

Вилоятлар комсомол конференцияларида сайланган ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан таништиришни давом эттирамиз.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

Авезова Гулсара — Хива қишлоқ хўжалик техникумининг талабаси.

Бобожонов Ринат — Урганч шаҳар темир йўл тармоғига қарашли локомотив депосининг слесари.

Давлатова Зулхумор — Боғот ноҳиясидаги «Боғот» давлат хўжалигининг ишчиси.

Худойберганова Зайнаб — Гурлан ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг колхозчиси.

Жуманиёзов Комил — Хонқа ноҳияси комсомол комитетининг биринчи котиби.

Менглиев Бахтиёр — Ўзбекистон ЛКСМ Хоразм вилояти қўмитасининг биринчи котиби.

Матвапоева Феруза — Урганч ноҳиясидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг сигир соғувчиси.

Ражабов Зарифбой — Дўстлик шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери.

Қўчқорова Муборак — Шовот ноҳиясидаги Ал-Хоразмий номли мактаб-интернатнинг тарбиячиси.

Юсупов Раҳим — Янгиариқ ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

Обидқориев Азизулло — Ўзбекистон ЛКСМ Андижон вилоят қўмитасининг биринчи котиби.

Аҳмедов Аҳмаджон — Пахтаобод ноҳиясидаги «Москва» жамоа-хўжалигининг колхозчиси.

Аҳмедов Маҳкам — Ленинск шаҳридаги нон маҳсулотлари комбинатининг инженер-технологи.

Аҳроров Абдураҳим — Бўз ноҳиясидаги ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг слесари.

Давронов Ҳамробек — Марҳамат ноҳиясидаги 22-ўрта мактаб муаллими.

Дўстмуродов Мирзағайрат — Ўзбекистон ЛКСМ Андижон шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.

Жалилов Рустам — Андижон ноҳиясидаги «Ямбол» давлат хўжалиги фуқаролар мудофаасининг бошлиғи.

Исмоилова Мамлакат — Хўжаобод ноҳиясидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигининг ҳисобчиси.

Калатаров Александр — Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бошқармаси комсомол қўмитасининг котиби.

Мелиев Муҳиддин — Олтинкўл трикотаж фабрикасининг слесари.

Раҳмонов Насибжон — Избоскан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йилиги» давлат хўжалигининг марказий ремонт устахонаси ишчиси.

Раҳмонов Зуҳриддин — Советобод территориал комсомол қўмитасининг котиби.

Рўзиматова Соҳиба — Жалолқудуқ РПРЭОси кадрлар бўлимининг инспектори.

Уришов Алишер — Москва ноҳиясининг техника хавфсизлиги бўйича инженери.

Жалилова Матлуба — Ўзбекистон ЛКСМ Балиқчи ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Маматов Дилшод — Комсомолобод ноҳиясидаги 6-автоколоннанинг ҳайдовчиси.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жумҳуриятимизнинг ҳамма жойларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар билан учрашувлар давом этмоқда. Муқобил асосда мандат учун курашаётган ҳар бир номзод ўзининг ҳаракат дастурини ўз сайловчиларига баён қилмоқда. Сайловчилар билдирилаётган наказларни қабул қилмоқдалар.

Яқинда 102-Салор сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Э. Т. Шайхов, Тошкент вилояти Советига номзод Оржоникидзе ноҳиясидаги уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Ж. Х. Хонназаров ўртоқлар билан сайловчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Номзодлар ўзларининг ҳаракат дастурларини баён қилишди. Шундан сўнг қишлоқ хўжалиги институти сайловчиларидан зооинженерлик факультетининг 3-курс толиби Н. Хўжамбердиев, ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Тилобов ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу номзодлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, наказларини баён қилдилар.

А. НАЛИБОЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг толиби.



Депутат — ҳокимиятдаги халқнинг мухтор вакили. Буни ҳамма яхши билади. Шу кунларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайловларга тараддуд қизғин, номзодларнинг ўзаро баҳси асосида ўтаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Сиз суратда кўриб турган Ҳикоят Сунатова Фориш ноҳиясидаги босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. Унинг номзоди 377-Фориш сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган.

Шу кунларда у ўз сайловчилари билан бўлаётган учрашувларда ўз ҳаракат дастурини баён қилмоқда. Унда амалий вазифалар баён қилинган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

УЙҒОҚ ВИЖДОН

Алдов ва хиёнат — турғунлик деб ном олган йилларнинг рамзи ана шу сўзлар бўлиб қолди. Тирикчилик, амал-тақал қилиб кун ўтказиш, оғзига талқон солиб, бош эгиш, сукунат сақлаш. Ўтган йилларнинг энг оғир асоратлари жимлик эди. Маънавият ва қадриятларимиз, ижтимоий фаоллигимизда таназзул юз бергани ҳам сир эмас...

Яқин йилларгача қишлоғимиз улуғлари — боболаримиз сайлов деганда қўш белбоғни боғлаб, қўни-қўшни-ю, момоларимиз сайлов варақасини дасталаб ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам овоз бериб қайтардилар. Биз, болалар уйда ҳолва-ю, қанд-қурсга тўлган белбоғларни кутиб турардик. Сайлов сайл эди-да! Кимни сайлашди, нима учун сайлашди — бу бизни қизиқтирмасди. Албатта, бу шарҳнинг қатор сабаблари бор... Номзод, депутат деган сўзлар маъносини кеч бўлса-да (шунисига ҳам шукр) тушундик. Билсак, у сиз билан бизнинг ишонган, ишончимизни оқлашга қодир халқ манфаатини ҳимоя қила оладиган турмушимизга дахлдор шахс экан. Ошкоралик ва қайта қуриш даврида ҳам биз тенги авлод (30 ёшлилар)нинг сайлов ҳақидаги тушунчаси, билими бир қадар чекланган, тор. Орзуга айб йўқ, бу жараён аста-секин бўлмасин, барибир ўтиб кетаяпти, ўтиб кетади.

Бугунги сайловчи ҳар қалай кимга овоз беришини — кимни сайлашини билади. Муҳими шу! Биз бугун энг аввало халқни, давлатни ўлгондан асрашимиз, қутқаришимиз шарт. Бусиз демократия ва ошкораликка путур етади. Ошкораликнинг биринчи шарти шу.

181-Вобкент сайлов округидан 199-кўчма механизациялашган колонна ишчи-хизматчилари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб инженер Насрулло Саидовни кўрсатди. Хушхабардан кўплар қатори мен ҳам қувондим. Бу қувонч асло-асло шахсий мезон билан боғланмайди. Мен уни қурувчи, иқтисодчи, тарихчи ва журналист сифатида танийман, фикрларини қувватлайман.

Оилада ўн боланинг бири бўлиб тарбияланган Насрулло ёшликдан туғилган юрти, элдошларига эътиқод қўйди. Вобкентнинг тарихий обидаларига ихлос ва фахр туйғуси билан у Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтини битирди. Дастлаб Учқудуқдаги 3-қурилиш-монтаж бошқармасида мастер, сўнгра Вобкентда қурилиш сифати инженери вазифасида ишлади. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтди. Оила қурди...

Мулоҳазали, оғир-босиқ бу йигит билан суҳбатлашсангиз, унинг бой ички дунёси, туғилган ерига нақадар теран боғланганлиги, билими намоён бўлади. Насрулло ўз сўзига эга, керак жойда ҳақ гапни айтишдан, умуммманфаати учун ўзини аямайди. Юртдошлари орасида ҳурмати бор. А. Навоий номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси У. Сафаров шундай ҳикоя қилади:

— Насрулло Саидов ҳамиша халқ манфаати учун елиб югуради. Ноҳия ва вилоят газеталарида унинг жумҳуриятимизда моддий тақсимотнинг пастлиги, тарихий обидаларимизни асраш, меҳнаткашларнинг ижтимоий шарт-шароитини яхшилаш каби муҳим муаммолар кўтарилган мақолаларини қизиқиш билан ўқиб бораяпмиз. Бу масалаларни ёзиш учун нафақат журъат, катта билим, фидоийлик, тайёргарлик зарур. Менимча, у халқ депутатлигига муносибдир.

Насрулло Саидовнинг сайлов олди ҳаракат дастурини ўқиганимда юқоридаги фикрнинг тасдиғини топдим. Керагича муаммо топиб, уни қоғозга тушириш, бу, ҳаракат дастури бўлолмайди. Тўғриси, биз шу кунгача қоғозда катта-катта ваъдалару муаммоларни ўқиб, кўникиб келдик. Бир қадар бефарқлигимиз ва лоқайдлигимизга шулар сабаб, десак хато бўлмас.

— Ўз юрти, аждодлари тарихини билмаган, эъзозламаган халқ, албатта, инқирозга юз тутади, — деб ёзади Насрулло Саидов «Вобкент минораси» номли мақоласида. — Араб сайёҳи ибн Баттутанинг «Саёҳатлар» асарида қадим Вобкент шаҳри манзаралари, халқнинг турмуш тарзи, маданияти, деҳқончилиги ва ҳунармандчилиги ҳақида ўқиганман. Булар эски гаплар, тарих десангиз, келинг Вобкентнинг асримиз бошларидаги манзараси, турмушини эслайлик, ўрганайлик, биладиган қариялардан сўрайлик. Булардан 50-60 йил илгари шаҳримиз маркази ҳозирги минора атрофида бўлган. Миноранинг кун чиқар томонида Абдулазизхон мадрасаси бўлиб, дарвозаси минора томонга очилган. Бугунги мадрасанинг тенг ярми бузилган, гумбази қулаб тушган... Тарихдан мерос — кенг ҳовлили ҳиндулар саройи, шиши бозори, тош ҳовуз, мадраса қани? Ким жавоб беради бу саволга! Уруш йилларида кўчириб келтирилган болалар уйи — мадрасадан ҳам жудо бўлдик. Касбим қурувчи бўлгани сабаблими, ҳар қалай ҳар бир обида, бино мен учун бебаҳо ёдгорлик, бойлик. Ҳар битта ғишт, бир ҳовуч лой тупроқ фарзандимдек азиз, суюмли. Азиз ҳамшаҳарлар — вобкентликлар, фурсат бор, олтинга топилмас фурсат, келинглар борини — омон қолган ёдгорликларимизни асрайлик, менга ҳамфикр, ҳамдард бўлинг...

Фикр эркинлигига не етсин! Насруллонинг кимлигини юқоридаги даъватдан ҳам билса бўлади. Безовталик, фарзандлик бурчи уни тиниб-тинчимасликка, қурилишда янги тажрибаларни дадил қўллашга чорлаяпти. У ўзи қизиққан барча соҳа бўйича адабиётлар, газета-журналлар йиғиш, ўрганиш билан чекланмайди. Ўтган йил ёш инженернинг таржимаи ҳолида яна бир муҳим воқеа муҳрланди. Насрулло Донецк вилояти Красний Лимон шаҳридаги Бутуниттифоқ ишбилармонлар тайёрлаш олий мактабига қабул қилинди. Бу деганн, у келгусида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилувчи мутахассис — иш бошқарувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Номзоднинг ҳаракат дастурида талай режалар, иқтисодиёт билан боғлиқ аниқ таклифлар борки, сайловчилар унга ишониб овоз берсалар, Насрулло хизматга шай.

Биз шундай номзодга овоз берайликки, унинг ҳаракат дастури қоғозда қолмасин, ишончни оқласин. Мен Насрулло Саидовнинг ишончли вакили сифатида азиз вобкентликларни унга овоз беришга даъват этаман.

Ражаббой ОТА ТУРК,
Бухоро вилояти.

Озуқа цехи тартибли бўлса...

ЛЕНИНСК шаҳридаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчилари хўжалик ҳайъатидан озуқа цехи ишчилари Қосимжон Азимов ва Абдулбоқи Мамажоновни чорвадорлар мусобақасининг ғолиблари деб топишни ва уларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотлашни илтимос қилишди. Бу ишларга ишониб топширилган механизмлар яхши ишлаганлиги, улар тайёрлаган озуқанинг юқори сифати бунга асос бўлди.

Цехда ҳар куни олимлар маслаҳатига биноан таркиб топиб қайнатиладиган, парлатиладиган қоришмалардан 20 тонна тайёрланади. Бу моллар охурларга ташланадиган озуқани нушхўрдсиз ейишлари сабабли улардан тежаб-тергаб фойдаланишга имкон беради. Натижада хўжаликда қиш фаслида ҳам худди ёздагидек сут соғиб олинади.

Озуқа базасининг мустаҳкамлигига ишонган ферма меҳнаткашлари ҳозир ошириладиган мажбурият олишмоқда. Масалан, сут соғувчилар З. Алишерова, Ф. Султонова, К. Ғуломова йил охиригача ҳар бош сигирдан уч минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишди. Ака-ука Суюнбой ва Содиқжон Ўроловлар эса сўйишга топшириладиган 65 та бузоқнинг ҳар бир вазнини 450-470 килограммгача етказишни ниятдалар.

(ЎзТАГ).

Бизнинг номзодлар

Салоҳиятда беназир

> **Аниким назм эткил, тарҳинг тоза бўлғай,**
> **Улусға майл беандоза бўлғай.**
>
> Алишер НАВОИЙ.



Биринчи мулоқот бундан уч йил муқаддам содир бўлганди. У кишни Наманганда, мен эса Тошкентда туриб сўзлашдик. «Қишлоқ ҳақиқати»нинг икки кун олдинги сонида жумҳурият прокурорининг ўша пайтдаги ўринбосари Гайданов йўл қўйган ғайриқонунийлик, ўзбошимчалик, зўравонлик ҳолларидан бири фош этилган мақола босилганди.

— Ҳақ йўлидаги дадил қадам учун наманганликлар номидан ташаккуримни қабул қилсангиз! Қойил, тасанно! Лекин эҳтиёт бўлинг, оғайни, атрофингизда бўрилар изғиб юришганини унутманг... Номига ҳуқуқ-тартибот посбонлигида турган, аслида эса бу муқаддасликларни топтаётган лаънатиларнинг қўлидан ҳамма иш келади.

Суҳбат анча давом этди. Назир Ражабовичнинг оғир-вазмин, самимиятга тўла пурҳикмат сўзларидан, меҳрибонлигидан бошим осмонга етди. «Бизнинг томонларга айланиб ўтинг» деганда ваъда бердим-у, унинг уддасидан чиқолмаганимдан ҳамон ўкинаман. Ахир Наманган партия ташкилотининг қайта қуриш йўлидаги ажойиб ишларини тарғиб этиш журналист учун луқмаи ҳалол, ҳам фарз, ҳам қарз эди.

...1989 йилнинг 21 октябри. Ҳаво рутубатли. Шогирдим Жаҳонгир Муҳаммад иккимиз машинада Самарқанддан Бухорога бораяпмиз. Йўл-йўлакай қанақа гаплар бўлмади дейсиз! Дунёнинг бу четидан кириб нариги томонидан чиқдик. Шу асnода Назир Ражабович бош қаҳрамонимиз эдилар. «Сўраб-сўраб Маккани топибдилар» деганларидек, Шофирконга кириб бордик, Талисафед қишлоғини суриштирдик. Даҳаларга чиққанда одамларнинг яшашини, харобот уйларни кўрганингда юрагинг такка тортади. Кеча жанозада ўқилган ҳовли, ундаги иморатлар бошқаларникидан афзал эмас, аксинча — ўрта ҳолдан ҳам пастроқ. «Қурилиш министри, обком секретари вазифасида ишлаган одамнинг отаси яшаганми шундай шароитда?» — хаёлимдан ўтган дастлабки фикр шу бўлди. Ҳа, Ражаб ота фақирликда умр кечирди, бирини икки қилолмади. 86 йил яшаб меҳнату машаққатдан бош чиқмади. Аммо у энг бахтиёр инсон эди, чунки элу юртга ўғли Назирдек салоҳияту қобилият соҳибини, халқ севадиган арбобни етказиб берганди. Фалакнинг кажрафторлигини қарангки, юракда қат-қат армон кетди.

Падари бузрукворининг замин бағрига кўзда ёш, дилда оғриқ билан эндигина қўйган фарзанди содиқ бошқалар қатори чопон кийиб, белини боғлаб, бошига дўппини бостириб қўл қовуштириб ўтирибди. Дуои фотиҳадан сўнг кетмоқчи бўлганимизда, сира-сира қўймади.

— Отам раҳматли ҳали анча яшардилар, афсус, ғамни кўтаролмадилар. Адолатсизлик нураттиб қўйди, адо этди...

Ўшанда Назир Ражабович қабоҳат ва жаҳолат, ғараз ва тўҳмат ботқоғидан эндигина қутилиб келган, қариндошлар, ёру биродар даврасида қаддини бироз ростлаётган эди. Унинг кўзларида намни кўриб кўнглим бузилиб кетди.

— Хафа бўлманг, ҳаммаси жойига тушади. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши эса ёруғ, — дедим бошқа гап тополмай.

Унинг туни ўтди, мунаввар кунлари етиб келди...

...Самарқанд вилояти партия қўмитасининг биринчи секретарлигига сайланиши муносабати билан муборакбод этиш учун ҳузурига кирдим. Кенг, ёруғ, бироқ ҳашамсиз бу хона менга таниш. Мақтовни ҳам, дашномни ҳам эшитганман мана шу ерда. Вилоят газетасининг раҳбари бошига не савдолар тушмайди дейсиз! Биринчи котибларни — иқтисодчи олим Саидмаҳмуд Саиднўъмонович Усмонов, қайта қуришни 70-йилларда дадил бошлаган раҳматли Владимир Николаевич Қодиров, етти йилда ўттиз йиллик (халқнинг таъбирича) ишни бажариб кетган Бектош Раҳимович Раҳимов, ундан кейин ишлаган Рашид Салоҳиддинович Ашуралиевни эсладим.

— Тақдир тақозоси деганларидек юртингизга келиб қолдик, дўстим, — деди Назир Ражабов мен билан қучоқлашиб кўришаркан. — Темур бобомиз, Мирзо Улуғбек, ширинкалом Саккокий, бошқа улуғлар, авлиёлар, анбиёлар қўлласалар, одамлар бир ёқадан бош чиқарсалар ишларимиз ёмон бўлмас, умидим катта...

Чиндан ҳам ёмон бўлмади. Бутун вилоят оёққа туриб қайта қуришга киришди. Назир ака кечаю кундуз кишилар, аввало қишлоқликлар орасида юрди. Бир йилга етар-етмас донг таратди.

Таассуфки, кўз тегди, ёмон кўз тегди. Нотавонбинликнинг бераҳм сиртмоғи ишга тушди. Ҳали 50 ёшга кирмаган паҳлавон адолатсизлик зиндонида сақланди.

...«Москва» меҳмонхонасининг еттинчи қаватидаги ўн биринчи хона телефони жиринглади. Олдим. Аёлнинг хазин овози эшитилди:

— Ассалому алайкум! Биласизми, мен Ражабовнинг оиласи бўламан. Сизни, Эркин Юсуповични албатта кўришим керак. Бошимизга тушган мушкулдан хабарингиз бор...

У рўпарамда ўтирибди. Исми Қундузхон, кўзлари қундузникидек, аммо сўниқ. Бирданига хўнграб йиғлаб юборди. Дийдаларидаги намни арта-арта бир даста қоғоз чиқариб олдимга қўйди. Эрининг мутлақо бегуноҳлигини куйиб-пишиб тушунтирди. Ҳақ жойида қарор топмаса ўзини қурбон этажагини айтди.

Юпатдим. Тушунтирдим. Насиҳату маслаҳат бердим. СССР Бош прокурори билан Эркин Юсупов иккаламиз албатта гаплашмоқчи эканлигимизни англатдим.

Бир неча кундан сўнг учрашишга келишдик. Қора либосли аёл оғир қадам ташлаб чиқиб кетди. Шунда мен кўзларимни юмиб, бошимни қуйи солиб, изтироб ўтида қоврилиб қолдим.

«Тўмарис, афсонавий Тўмариснинг ўзгинаси!» — хаёлимдан шу фикр «лип» этиб ўтди...

...Тошкентнинг Чимкент кўчасидаги кўп қаватли уйни биринчи кўришим. Назир Ражабович шу ерда яшайди. Обком котибими, министрми, бошқа бир олий мансаб соҳибими — ким бўлишидан қатъи назар унинг хонадонига кириб боришни ўзимга эп кўрмасдим. Аммо ҳозир у менинг сирдошим, маслакдошим, маслаҳатгўйим, хуллас — қиёматлик дўстим бўлиб қолган. Дилшикастанинг кўнглини кўтаришдан ортиқ савоб бормикин?! Бошингга мушкул тушганда бир вақтлар атрофингда капалакдек учиб юрадиганлар, афсуски, сичқон инини қирқ тангага ижарага олиб ғойиблик дунёсига шўнғийдилар. Одатда шунақа таомилга кўплаб дуч келганман. Қарангки, Назир акани бундай омадсизлик четлаб ўтибди. Телефонда тиним йўқ. Эшик қўнғироғи жиринглагани-жиринглаган. Тошкентликлар майли-я, Самарқанду, Бухорою, Намангану, Хоразмдан хабар олиб турганлар саноқсиз. Уни юпатмоқчи бўлгандим, шаштимдан қайтдим: кайфияти аъло, руҳи тетик, фикрлари теран, ишончи комил. Шеърриятдан, тарихдан, ўтган-қайтгандан, яқин келажакдан завқланиб сўзлагани-сўзлаган. Бедилни қўйиб Ҳофиздан, Навоийни қўйиб Махтумқулидан байтлар айтади. Унга қўшилиб бисотимда боридан — гоҳ туркий, гоҳ форсий ёдлаганларимдан сўзлайман.

— Биласизми, дўстим, татарларнинг Абдулла Тўқай деган машҳур шоири ўтган. Адашмасам, бор-йўғи чорак аср умр кўрган. Ўша деган экан: «Кирланиб кетдим бутун, дунёни поклай олмадим!» Бу мисраларни ўн саккиздами, йигирмадами, йигирма бешдами — неча ёшида ёзганини билмайман, аммо ана шу фалсафанинг ёлғиз ўзи уни даҳо даражасига етказгани аниқ.

— Бале,бале! Яшанг, оғайни! Буюкларнинг буюклиги ҳам худди шунда. Ҳазрат Навоийнинг мана бу сўзларига қулоқ тутинг-а:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То кибру ҳаво қасри барафтод ўлмас —
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас!

— Бугунги куннинг шеъри-ку бу, Назир Ражабович, — дейман қойил қолиб. — Мавлоно минг бор ҳақ! Бизнинг жамиятимизни жаҳолат, қабоҳат, ваҳшат, очкўзлик, диёнатсизлик ва ҳоказолар ҳозирги тушкунлик вазиятига, жар ёқасига олиб келгани аниқ, ахир! Энди бу мушкулотдан қутилишнинг йўлини топмоқ зарур.

— Топилади, биродар, бунга шак келтира кўрманг! Биласизми ким топади? Жафокаш, меҳнаткаш, бардошли, ўз навбатида донишманд, олиму фозил халқ топади, у сайлаб қўядиган депутатлар, ана шулар бирлашган Олий Кенгаш топадилар! Асримиз интиҳосининг ўт-олов ёшлари, бугунги йигитлар, қизлар топишади! Ана кўрасиз, мени айтди дерсиз...

Унинг кўзлари чақнади, киприклари пирпирамай қўйди, юзи пўлат тусига кирди, овози бир фурсат чиқмай қолди. Нималарни ўйлаяпти экан менинг файласуф замондошим? Минг йиллик ўтмишними, кечаги кечмишинними, бугуннинг ғалаёну ғавғоларинними, қанақа келиши номаълум истиқболними? Эҳтимол қадимий Бухоронинг етти иқлимга маълуму машҳур осори атиқаларини, Самарқанддаги Шоҳизинда қабристонида абадият уйқусида ётганларни, падари бузрукворининг, волидаи меҳрибонининг покиза руҳларини, наманганлик қадрдонларини, бирга ўқиган дўсту ёрини, бошида туриб қурдирган иморатларни эслаётгандир? Балки Бухоро шаҳридаги кечаги учрашувни — Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 168-Фурқат округи сайловчилари билан мулоқотни ўйлаётгандир?

Билмадим, буниси менга қоронғу, Не бўлса ҳам рўпарамда узоқ-узоқ парвозларга, дашту биёбонлар, тоғу тошлар, уммонлару дарёлар устидан бақувват қанотларини қоққанича учишга ҳозирланаётган бургут, ўзбек халқининг лочини ўтирарди.

Олис сафарда мен ҳам ҳамроҳман унга...

Аҳмаджон МУХТОРОВ,
СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси.

Шу сонгги хабар

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

Тушдан кейин эди. Телефон узун-узун жиринглади. Билдимки, қайсидир бир вилоятдан. Трубкани кўтардим.

— Алло, алло, — алоқа бир дақиқа узилиб қолди. Сўнг яна суҳбатдошим билан уландим.

— «Ёш ленинчи»ми?

— Шундай.

— Каттақўрғондан қўнғироқ қилаяпман. Бизда фалокат содир бўлди. Шаҳримиздаги ёғ-мой комбинатининг чиқиндилар сақланадиган омбори ёрилиб кетиши натижасида жуда кўп саноат оқаваси Зарафшон дарёсига қуйилиб кетди. Шу ҳақда газеталарингда хабар берсаларинг.

— Хўп бўлади, — ваъда бердим мен.

Нариги томондаги киши шу жавобни кутиб турган экан шекилли, ҳаттоки фамилиясини ҳам айтишни унутиб, дарров телефонни қўйиб қўйди.

Бу хабар қанчалик тўғри-нотўғрилигини аниқлаш учун Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети билан уландим.

Телефонни Абдуҳалим Раҳимов деган киши кўтарди. Воқеани унга тушунтирдим.

— Хабарим йўқ, шахсан мен эшитмадим. Яхшиси сиз раис муовини Шарофиддин Ҳожиқурбоновичга телефон қилинг, номерлари... — маслаҳат берди ўртоқ Раҳимов.

Қабулхонага телефон қилдим. Котиба қиз кимлигимни, қаердалигимни, қайси масала юзасидан телефон қилаётганлигимни ҳижжалаб бирма-бир сўраб олгач, мени ўртоқ Исломов билан улади.

— Ҳа, шундай. Каттақўрғонда бахтсиз ҳодиса рўй берди, — дедилар Шарофиддин Ҳожиқурбонович. Ва воқеани бирмунча ойдинлаштирдилар.

Шу йилнинг 3 февраль куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6-ларда Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишлаб чиқариш чиқиндилари сақланадиган омбори ёрилиб кетиши натижасида дастлабки тахминларга қараганда 12—13 минг куб-метр саноат оқаваси Зарафшон дарёсига қуйиладиган зовурга тушиб кетган. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли омбор кундузи соат 11 ларда мустаҳкамланган ҳамда саноат оқавасининг Зарафшон дарёсига борадиган йўли тўсилган.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тузилган фавқулодда комиссиялар фалокат сабабларини ва сувнинг зарарланиш даражасини аниқламоқда. Аҳоли ўртасида ёмон оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ичимлик сувидан фойдаланиш тақиқланганлиги ҳақида радиоэшиттиришлар берилди. Дарё ўзани ёқалаб медицина назорати ва жамоат тартибини сақлаш хизматининг постлари ташкил этилди. Чиқинди аралашган сувни зарарсизлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

З. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Комсомол: кеча, бугун, эртага

ИЗЛАНСА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

Наманган шаҳар комсомол қўмитасида комсомолда қайта қуриш, унинг турғунлик йиллари йўқотилган мавқеини тиклаш ва мустақиллигини таъминлаш борасида шаҳар комсомол қўмитасида қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатини шаҳар комсомол қўмитасининг саркотиби Анваржон АБДУЛЛАЕВ бошлаб берди:

— Комсомол турғунлик йилларида ўз мустақиллигини қўлдан бериб қўйди. Бунинг натижасида эса унинг оғир йилларда жон олиб жон бериб тиклаган мавқеига путур етди. Унга «трамплин», яъни, юқорига сакраш майдончаси деб қаровчилар пайдо бўлди. Комсомолда унинг ишига фидойилар эмас, «ўсиш» илинжида ишлаётганлар кўпайиб кетиши, улар қандай қилиб бўлмасин «юқори»га ёқишга ҳаракат қилишлари, комсомол билан халқнинг орасига «Хитой девори» қуришда салмоқли ўрин тутди. Халқимизда «Обрў мисқоллаб келади, ботмонлаб кетади» деган доно нақл бор. Биз ҳам ана шу мақолда айтилганидек, мисқоллаб йиққан обрўйимизни ботмонлаб сочиб юбордик. Энди йўқотилган обрўни тиклаш учун ишлаш, ишлаганда ҳам ҳақиқий комсомолчасига ишлаш керак. Халқда ҳам, юқори ташкилотларда ҳам комсомолга нисбатан туғилган ишончсизликни йўқотишимиз лозим. Мен сизларга бир мисол келтираман. Шаҳримиздаги Косонсой кўчасига бекатлар қурилмаган транспорт қатнови йўлга қўйилмаган эди. Комсомоллар талаб қилишгач, ушбу масалага мутасадди бўлган ташкилотларга бир неча марта мурожаат қилишга тўғри келди. Улар ҳар сафар бир баҳона билан қайтаравердилар. Сўнгги киришимда шаҳар комсомол қўмитаси бекатлар қурилиши учун ўн минг сўм ажратганини айтдим. Очиғи, улар ҳайратларини яширишмади ҳам. Аммо энг кераклиси, иш юришиб кетди. Маҳаллий қўмиталар ҳам қараб туришгани йўқ, албатта. Баҳамжиҳатликда ушбу хайрли ишни ниҳоясига етказдик. Тўғри, бир қарашда бу арзимас ишдек кўриниши мумкиндир, бироқ ана шу арзимас ишлар бизнинг халқ ичидаги ишончимизни тушиб кетишига сабаб бўлганини унутмаслигимиз, ҳар бир ишга катта ёки кичиклигига қарамасдан масъулият билан ёндашувни ўрганмоғимиз лозим. Комсомол етакчилари фақатгина минбарларда чиройли гапириш билангина чекланиб қолмасликлари, ўз сўзларини амалий ишда исботлашлари, зарур ҳолларда комсомолчасига «ёриб» ўтишни ўрганмоқлари керак.

Адҳамжон МИРЗАХОЛОВ, шаҳар комсомол қўмитаси қошидаги ҳарбий ватанпарварлик уюшмасининг директори: — Турғунлик йиллари комсомолни «қотиб» қолган ташкилотга айлантирганди. Ҳар қалай, қайта қуриш шамоли таъсирида «уйғониб» кетдик, шекилли. Айни пайтда комсомол ҳаётида ҳам жонланиш, айтиш мумкинки туб бурилиш бормоқда. Лекин ана шундай пайтда ҳам маҳаллий раҳбарларимизнинг айримлари, ҳамон бизга ишончсизлик билан қарашмоқда. Келинг, сўзимни далиллаб кетай. Бизга Совет ноҳия ижроия қўмитаси спорт зали учун бир бинонинг ертўласидан жой ажратиб берган эди. Ертўлани ҳашар йўли билан ремонт қилдик, беш минг сўмлик спорт жиҳозлари сотиб олдик. Ишни бошлаш учун фақат душхона ва канализацияни созлаш қолган. Ёрдам сўраб ижроия қўмитасига мурожаат қилган эдик, «оталиққа олганлар ёрдам беришсин» дейишди. Оталиққа олган «Сифат кафолати» ширкатининг раиси Валерий Михайлович Дерянкин эса, уялмасдан, «ўртоқ комсомоллар сизни оталиққа олишимиздан мақсад, ижроия қўмитасидагилар солиқни оширмасин дегандик. Агар улар солиқни оширишса...» деди. Шундай бир ҳолатда комсомолнинг обрўйи ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Демак, комсомолга аввало иқтисодий эркинлик бериш, уни мустақил, юқорининг буйруғисиз ҳаракат қилишини таъминлаш даркор. Ана шундагина уни инқироздан қутқариб қолиш мумкин бўлади.

Илҳомжон ИСҲОҚОВ, шаҳар комсомол қўмитасининг иккинчи котиби: — Мен яқинда шаҳар электр ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомолларининг умумий йиғилишида қатнашдим. Йиғилишга таклиф қилинган бирлашма раҳбарларидан биргина фирқа котиби келди, холос. Мана сизга раҳбарларнинг комсомолга бўлган ҳурмати. Бирлашма комсомоллари раҳбарлар келишмагунча йиғилишни бошламасликка қарор қилишди. Орадан ярим соат ўтиб ўша раҳбарлар келгандан кейингина йиғилиш бошланди. Бу комсомолда юз бераётган ўзгаришдан дарак беради. Биз энди-энди ҳақ-ҳуқуқимизни таний бошладик.

Юқорида айтилган иқтисодий эркинлик, мустақиллик ҳақидаги фикрларга мен ҳам қўшиламан. Чунки, бировга қарам бўлган одам ҳеч қачон эркин ҳаракат қилолмайди. Ҳар доим кимнингдир чўнтагига кўз тикиш, кимнингдир ёрдамидан умидвор бўлиш биз учун уят. Комсомол ишидаги туб бурилиш эса, ҳамма жойда бирдек эмас. Мана, бошланғич ташкилотларни олиб кўрайлик. Улар ҳамон бадал тўплаш билан банд. Биз мустақилликни бошланғичлардан бошламоғимиз керак. Уларга бадал ва шанбаликлардан тушадиган фойдани бир қисмини бериш, эркин ишлашлари учун шароит яратиш зарур. Токи улар ҳам ўз аъзоларига, ўзларининг маҳаллий раҳбарларига, комсомол нималарга қодирлигини амалда исботлаб бера олсинлар.

Обидхон АҲМЕДОВ, ишчи ёшлар билан ишлаш ва ёшларнинг илмий техника ижодиёти бўлимининг мудири: — Модомики, гап комсомолнинг йўқотилган обрўсини тиклаш ҳақида бораётган экан, унинг йўқотилаётган обрўси ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. Биз ҳамон турғунлик йилларининг баъзи иллатларидан ҳалос бўла олганимиз йўқ. Ўлиб-тирилиб комсомолнинг мақеини тиклаш ҳақида гапирамиз, нималардир қиламиз ва ниҳоят юқоридан бўлган бир буйруқ ҳаммасини чиппакка чиқариб юборади. Мен қўшни жумҳуриятларга ишлаш учун юборилаётган ёшларни назарда тутиб гапиряпман. Яқинда Астрахань вилоятига мева-сабзавот йиғиш учун 25 кишини жўнатган эдик. Албатта, жўнатишдан олдин, уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш, ўзимиз кўрмаган шарт-шароитларни мақташ, иш ҳақининг кўплиги ҳақида оғиз кўпиртиришга тўғри келди. Хўш, натижаси нима бўлди, деб сўрарсиз. Худди ўтган йиллардагидек. Кўнгилли бўлиб кетганлардан ҳозиргача саккиз киши қайтиб келди. Қолганлари ҳам бирин-кетин келиб қолишади. Нима учун дейсизми? Чунки, биз ваъда қилган шарт-шароитлар у ёқда йўқ. Иш ҳақи ҳам ваъдадагидан бир неча баравар кам. Ушбу ҳол ҳар йили такрорланади, ҳар йили яна янги йигит-қизларни алдаб-сулдаб жўнатамиз. Мана, комсомолнинг мавқеи қайси нуқтадан бошлаб йўқолмоқда. Ахир бир марта алданган йигит ёки қиз иккинчи марта қандай қилиб ишонсин бизга! Биз эса ана шу ҳолни кўра била туриб, зўрма-зўраки байналмилалчиликка чек қўя олмаймиз. Ҳоҳласак-ҳоҳламасак-да юқорининг кўрсатмасини бажаришга мажбурмиз. Бунинг нима кераги бор, ахир?! Нима, уларнинг ўзларида ишсиз ёшлар йўқ дейсизми? Биздагидан кўп бўлса, кўпки, лекин кам эмас. Бунинг ўрнига, дейлик, барча ишлаб чиқариш коллективлари ишчи кучлари билан тўлиқ таъминланган ҳам бўлсин, жойларда етиштирилган хом ашёларни қайта ишловчи корхоналар ташкил этилса, касаначилик ҳаракати кенг қулоч ёйса, биринчидан, қанчадан-қанча кишилар иш билан таъминланган бўларди, иккинчидан, жумҳуриятимизда етиштирилиб, арзон-гаровга четга чиқиб кетаётган хом ашё қайта ишлангач, қанчадан-қанча фойда келтирарди. Бу сиёсатга, аввало иқтисоддан келиб чиққан ҳолда баҳо бермоқ керак! Бугунги яшариш, янгиланиш даврида бу каби юмушларни иккинчи даражали деб қабул қилмасдан, унга жиддий, ижодий ёндашув керакки, акс ҳолда ана шу каби «майда-чуйда»лар комсомолнинг обрўсига путур етказиши, уни кераксиз ташкилотга айлантириб қўйиши мумкин.

Акмалхон ТОЖИБОЕВ, тафтиш комиссияси ва «Ёшлар назорат қўмитаси»нинг раиси: — Обидхон ҳақ. Биз турғунлик йиллари ўрганиб қолган қолипни бузмас эканмиз, комсомолнинг обрўсини тиклаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолипни бузиш учун эса биз, ёшларнинг етакчилари ишчан, ижодкор ва хато қилишдан чўчимайдиган, дадил бўлишимиз керак. Биз буни ўз фаолиятимизда синаб кўрдик. Шаҳар комсомол қўмитасининг III пленумида (1989 йил, 3 февраль) «Комсомол прожектори» ўрнига, «Ёшлар назорат қўмитаси» ташкил этилди. Тўғри, бошда қўмитамиз атрофида ҳар хил гап-сўзлар бўлди. Биров маъқуллади, яна бировлар нима кераги бор, ортиқча даҳмазани, деб ёқтирмаган бўлишди. Биз уларга қўмитанинг кераклигини, қолаверса, «Комсомол прожектори»дан афзаллигини исботлаб бердик. Ҳаммамиз биламиз, «прожектор»нинг иши фақат танқиддан иборат деб тушунилларди, Танқиддан кейин аҳвол ўзгарадими, йўқми ҳеч ким қизиқмасди. Чунки, танқид қилиняптими, демак «прожектор» ишлаяпти деган ақида онгимизга сингиб кетган эди. Талаба дарсга кечикдими, уни тутиб танқид қиларди. У нега, нима сабабдан кечикди? Балки ётоқхонасида шароит ёмондир ёки бошқа бирор сабаб бордир деб суриштириб кўрадиган одамнинг ўзи топилмасди. Назорат қўмитасининг ишини эса, бошқачароқ ташкил қилдик. Энди ҳар бир ишга танқид эмас, таҳлил кўзи билан қарай бошладик. Агар корхона ёки ташкилот томонидан ишчи-ёшларга нисбатан ноҳақлик, эътиборсизлик юз берса, комсомол ёшларимиз вақтинчалик ишламаётган ёки ишга жойлаша олмаётган бўлсалар, уларга ёрдам берамиз. Иш ёки ўқиш жойларида уларга нисбатан ноҳақ жазо чоралари қўлланган бўлса, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз.

Назорат қўмитаси тузилган кундан бугунгача, олтмишдан ортиқ ёшларга амалий ёрдам кўрсатдик. Уларнинг орасида ишсизлардан тортиб, ўқишдан ноҳақ ҳайдалган талаба, машина олиш навбатидан тушириб қолдирилган ёш ишчи, боласини боғчага жойлаштиришда ёрдам сўраб келган ёш оналаргача бор. Ўз-ўзидан маълумки, у ёки бу масалада комсомол ёрдамига суянган одамнинг унга нисбатан бўлган ишончи, ҳурмати ошади. Унинг шаънини ҳимоя қилади. Биз энди ишимизга ана шу нуқтаи назардан туриб, ижодий ёндашишимиз керак.

Евгений ФЁДОРОВ, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўлимининг мудири: — Менимча орамизда ташаббускор ёшлар кам эмас. Фақат ўша ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар кам. Таклиф билан чиқадиган бўлсангиз, аввалига улар қулоқ солишмайди, ортиқча бош оғриқ санашади. Қачонки елиб-югуриб нимадир қилсангиз, ўша ишингиз халққа маъқул келса, «биз-биз», деб кўкракларига уришади. Ташаббус билан чиққан комсомол эса бир четда қолиб кетаверади. Мана саркотиб тилга олиб ўтган Косонсой кўчасидаги бекатларни оладиган бўлсак, халқ уни комсомол эмас, ижроия қўмитасининг саъй-ҳаракати билан бажарилган иш деб билади. Биз бу иш комсомолнинг харажати ёки ҳаракати билан бўлганлиги ҳақида эълон ёзиб қўя олмаймиз-ку. Фикримча, комсомол ўз ижроия қўмитасига эга бўлса яхшироқ бўларди. Шундагина у ўзи кўтариб чиққан ташаббусни, ўзи ҳаётга тадбиқ қилишга, ўзи назорат қилишга эришади. Бу эса ўз навбатида комсомолнинг мавқеини тиклашда катта аҳамиятга эга. Кейин яқинда бўладиган маҳаллий Советларга сайловларда комсомол аъзоларидан кўпроқ депутат сайлаш керак. Бу эркинроқ ҳаракат қилишимиз учун ҳам зарур.

Тоир АМИДШОЕВ, байналмилал ва собиқ жангчилар кенгашининг раиси: — Дарҳақиқат, комсомол ташаббус билан чиқади, ташкил қилади ва ўйиндан чиқиб кетади. Бир сўз билан айтганда, «Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз». Комсомолга бошланғичдан бошлаб ҳар томонлама эркинлик берилмас экан, бирор натижага эришиш қийин.

Яна бир фикр: агар комсомол рўзномаларида ишлайдиган ходимлар ҳам ўз ишларини бир қадар қайтадан қурсалар фойдадан холи бўлмасди. Менинг назаримда, улар ҳамон эскича иш услубини тарк эта олишмаяпти, шекилли. Бирор яхши иш қилдингми, келиб мақташади ёки бирор хатога йўл қўйдингми «пўстагингни қоқишади». Ахир улар ўз номи билан ижодкор. Ижодкор эса ҳамиша халқ орасида, халқ билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиши керак.

Тўрамирза ОРИПОВ, шаҳар комсомол қўмитасининг иш бошқарувчиси: — Юқорида молиявий эркинлик ҳақида яхши фикрлар бўлди. Мен бу фикрларни тўла қўллаб-қувватлайман. Бизнинг ишимизда йўл қўйилган энг биринчи ва энг катта хато, молиявий томондан «буғиб» қўйилишимиз эди. Ана шу «буғиш» бизни юқорига муте қилиб қўйди. Бироқ, ҳадеб нолийвериш шартмикин? Келинг, қўмитамизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳам гаплашайлик. Мана, Наманган шаҳридаги бешта йирик корхона комсомоллари шу йилдан бошлаб ўз ҳисоб карточкаларига эга бўлди. Буни нимаси ижобий ўзгариш дейишингиз мумкин. Бир пайтлари ҳар қандай ташкилот ёки корхонада ишлаётган ишчи ёшлар моддий ёрдам учун бевосита ўша ташкилот раҳбарига мурожаат қиларди. Комсомолга эса бадал тўлашарди, холос. Энди ўз ҳисоб карточкаларига эга бўлган бошланғичлар эса ҳақиқий, амалий мустақилликка эришдилар. Улар ўз аъзоларига керак бўлган пайтда, керагича моддий ёрдам бера оладилар. Бу ёғи ўз-ўзидан маълум, амалий ёрдам олган ҳар бир аъзо комсомолга суянади ва керак бўлиб қолганда унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шундай экан ҳар бир комсомол ташкилоти ўз иқтисодий базасига эга бўлмоғи учун ўз ҳисоб карточкасига эга бўлмоғи лозим. Уларнинг иқтисодий базаларини яна ҳам мустаҳкамлаш учун эса, комсомол ёшидаги ишчи кучларидан фойдаланаётган ҳар бир ташкилот ёки корхона улардан келаётган фойданинг ҳам маълум бир қисмини ўша ҳисоб карточкаларига ўтказиб бериши керак.

Энди комсомолнинг хўжалик ҳисобига ўтишига келсак. Бугунги кунда хўжалик ҳисоби биз учун заруратга айланиб бормоқда. Хўжалик ҳисобига фойда олиш манбаи эмас, эркинликка чиқишнинг ягона йўли сифатида қараш лозим. Шаҳримиздаги бир неча ёшлар марказини хўжалик ҳисобига ўтказдик. Бу билан биринчи навбатда ёшлар ўртасидаги ишсизликка маълум даражада зарба берган бўлсак, иккинчидан ходимларимизнинг ойлик маошларини бир ярим бараваргача оширишга эришдик. Бу эса ишимизда ижобий томонга бурилиш бўлишига ёрдам берди. Жорий йилда шаҳар комсомолларидан йиғилган бадал ўтган йилдагига қараганда 14 мингга ошди. Шанбаликлардан тушадиган маблағда ҳам 15 минг ўсиш бор. Аввалари йиғилган бадални вилоят комсомол қўмитасига топширар эдик. Энди бўлса бир қисминигина беряпмиз. Шаҳар комсомол қўмитасининг бир йиллик кирими 415 минг, шундан 82 мингини вилоят қўмитасига бериб, қолган 333 мингини ўзимизнинг ички ишларимизга сарфлаяпмиз. Ана шу мисолнинг ўзиданоқ, имконият даражамизнинг нақадар кенгайганини билиш мумкин.

Яна бир гап, қўмиталаримиздаги ортиқча ходимлар ҳақида. Биргина ҳисоб шўъбасини олиб кўрайлик. Ҳар бир шаҳар, ноҳия, вилоят (жумладан жумҳурият) комсомол қўмиталарида, ушбу шўъбада тўрттадан, саккизтагача, ходим банд бўлади. Уларга аъзолардан йиғилган бадал ҳисобидан маош тўланади, демак-ки, қўмита учун чиқим бўлади. Иқтисодий эркинликка чиқиш билан биргаликда, ортиқча чиқимларга чек қўйиш керак. Ҳисоб шўъбасида ўтирадиган тўртта ходимнинг ишини битта компьютер бажариши мумкин. Биз буни ҳам амалда синаб кўряпмиз. Яқинда шаҳримиздаги машинасозлик заводи директори А. А. Паттоевнинг саъйи-ҳаракати билан қўмитамизга завод ҳисобидан 55 минг сўм турадиган шахсий компьютер олиб берилди. Бу бир томондан ишимизни енгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан комсомолга нисбатан уйғонаётган ишонч, ҳурматдан дарак беради.

Гулшан ИСМАНОВА, шаҳар кашшофлар ташкилотининг раиси: — Мен ишлаётган ўрин ҳам ортиқча ходимларни қисқартириш эвазига ташкил этилган. Мақсад — комсомол билан кашшофлар ўртасида яқиндан алоқа ўрнатиш ва уларни ёшлигиданоқ ҳақиқий комсомол қилиб тайёрлаш. Шаҳримизда икки ярим минг кашшоф бор. Биз ишни ёппасига қабул қилишга чек қўйишдан бошладик. Натижаси ёмон эмас. Яқинда шаҳардаги 5-ўрта мактабда комсомол сафига ўтиш учун ариза берган 45 ўқувчининг 19 тасини қабул қилдик. Бу фожиа эмас, фойда эканлигини тўғри англамоқ керак. Агар қабул аввалдан якка тартибда ва жиддий ўтказилганда эди, бугун бу гапларга ўрин бўлмаган бўларди. Энди сонга эмас, сифатга эътибор бериш лозим. Ёшларни аъзо бўлгандан кейин эмас, балки, ундан олдинроқ комсомолга меҳр-муҳаббат, ишонч руҳида тарбиялайлик.

Суҳбатни Ислом ҲАМРО ёзиб олди.



СУРАТДА: давра суҳбатидан лавҳа.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 549 ЙИЛЛИГИГА

ТАЪЗИМ

Буюк сўз даҳоси, ўзбек адабий тилининг асосчиси, қомусий билим соҳиби Алишер Навоийнинг беназир ижодидан халқимиз ҳамиша баҳраманд бўлиб келади. Бу буюк ижод сарчашмасидан маънавий озиқ олган ҳар бир инсон, бутун умри давомида икки қўли кўксида, унга таъзимда ўтади. Зеро, Навоий ижодининг ҳали қўл урилмаган қирралари ўз тадқиқотчиларига мунтазир. Кейинги пайтларда бу борада кўплаб изланишлар олиб борилди, янги маълумотлар тўпланди. Бугун шулар ҳақида ҳикоя қиламиз. Жамоатчи мухбиримиз Баҳодир ВАЛИЕВ таниқли олимлар билан учрашиб, суҳбатлашди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Азиз Қаюмов, филология фанлари номзодлари Фозила Сулаймонова, Юсуф Турсунов ва Мавжуда Ҳамидовалар иштирок этдилар.



Мухбир: — Азиз Пўлатович, сиз кўп йилларки сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижоди бўйича изланишлар олиб боряпсиз. Шоир ижодини халқ ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиб келяпсиз. Мана, улуғ бобомизнинг 550 йиллик табаррук тўйи яқинлашиб келмоқда. Шу кенг миқёсли анжуманга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Қандай тадбирлар белгиланган? Сиз буюк ижодкорнинг юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссиясининг масъул котиби ва ташкилотчиси сифатида бугунги суҳбатимизни бошлаб берсангиз.

А. ҚАЮМОВ: — Алишер Навоий деганимизда, кўз ўнгимизда бутун ижоди ва ҳаёти билан халқ манфаатлари йўлида тинимсиз иш олиб борган нурли бир сиймо гавдаланади. Навоий ижоди туб моҳияти билан инсонни улуғлашга қаратилган. Зеро, жамики борлиқ ичида энг буюк зот — инсон деб таърифлаган шоир, умрининг охиригача юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларни куйлаб ўтди. Шунинг учун ҳам шоир ижоди халқимизнинг қалб тўрида жой олган ва у ҳамиша замон хизматида.

Алишер Навоийнинг 550 йиллигини ўтказиш мақсадида кўплаб ишлар режалаштирилган. Бу тадбирлардан турли жойларда адабий ва илмий йиғинлар ўтказиш, шоир асарларининг ўзбек тилидаги 20 жилдлик ва рус тилидаги 14 жилдлик тўпламларини ҳамда «Навоий энциклопедиясини» нашр этиш, юбилей тангаси, почта маркаси чиқариш ишлари кўзда тутилган.

Айни пайтда, Тошкент шаҳрида мемориал комплекс ташкил қилиш учун бутуниттифоқ конкурси эълон қилинди. Бунда, албатта улуғ шоирнинг ҳайкалини ўрнатиш ҳам кўзда тутилган. Самарқанд шаҳрида эса Навоийнинг уй-музейи ташкил этилмоғи лозим.

Шулар билан бир қаторда шоир ҳаёти ва ижодини ёритувчи ҳамда унинг адабий мероси асосида тайёрланган саҳна асарлари, «Хамса» достонлари асосида бадиий фильм яратиш мўлжалланган. Энг асосийси, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 1991 йилни — Навоий шеърияти йили, деб эълон қилиш ниятимиз бор. Хуллас, қилинадиган ишлар кўлами жуда ҳам кенг, фақат бу ишларга ҳаммамиз сидқидилдан ва жонбозлик кўрсатиб киришмоғимиз зарур.

Энди кези келганда, навоийшунослик борасидаги кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган, айрим маълумотлар ҳақида суҳбатни давом эттирсак.

Мухбир: — Жуда ўринли бўлар эди. Фозила опа, «Хазойинул-маоний» шеърият қуёши бўлган Алишер Навоийнинг бутун умрлик ижоди маҳсули. Маълумки, тўрт девондан иборат бўлган «Маънолар хазинаси» дастлаб 1959—1960 йилларда нашр этилган эди. Сиз асарнинг қайта нашрга тайёрлаш давомида аниқланган, илк нашрда йўл қўйилган фарқ қилувчи томонлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

Ф. СУЛАЙМОНОВА: — Сиз юқорида таъкидлаган «Хазойинул-маоний» илк нашр XV асрнинг икки, шунингдек, XVII ва XIX аср қўлёзмалари асосида тузилган танқидий матн асосида тайёрланган бўлиб, айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилган эди. Мен шулардан бири устида тўхталиб ўтаман. «Фавойид ул-кибар»нинг 471-ғазалининг 5-байти:

Гарчи ўлтурдинг жафо
бирла мени, лекин тилаб
Топмоғунгдур анда бир
аҳли фасод андоқки мен —

тарзида ёзилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзан алоҳида сўзларнинг ёзилишида ҳам камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлиб қолди. Айни пайтда, нашрдаги хатоликлар ҳам кўзга ташланиб қолди.

Эндиликда кейинчалик қўлга киритилган Истамбул ва Париж куллиётлари асосида, қайта тузилган танқидий матн ва XV—XVI асрга оид тўрт мўътабар қўлёзма асосида «Хазойин ул-маоний» бошқатдан синчиклаб кўриб чиқилди. Йўл қўйилган камчилик ва хатолар бартараф этилди. Масалан, юқоридаги байт қуйидагича тузатилди:

Гарчи ўлтурдинг жафо
бирла мени, лекин тилаб,
Топмоғунг давронда бир
аҳли вафо андоқки мен.

МУХБИР: Юсуф ака, «Маҳбубул-қулуб» асарида қайд этилганидек, Алишер Навоий кўп вақт ўз истак ва хоҳиши билан эмас, балки ҳукумат топшириғи ёки давлат ишлари тақозосига кўра мамлакатнинг узоқ бурчакларида — тобе вилоят ва шаҳарларга боришга, баъзан у ерларда маълум бир муддат туришга мажбур бўлган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг Балх фаолиятига оид янги маълумот ҳақида сўзлаб берсангиз деган ниятда эдим.

Ю. ТУРСУНОВ: — Биз Алишер Навоийнинг «Муншаот»идаги бир қатор мактубларидан кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Чунончи, тўпламдаги бир мактуб шундай бошланади: «Қуллук арзадошит улким, Мирзонинг муборак мижозлари сиҳҳат топиб, «тахти равон» била зилҳижжа ойининг йигирма бешида, душанба куни ташқари чиқтилар...» Зилҳижжа ойининг йигирма беши душанбага тўғри келиши Навоийнинг кейинги ўттиз йиллик ҳаётида уч маротаба — 1478, 1485 ва 1493 йилларда такрорланган.

Навбатдаги иккинчи бир мактубни Навоий: «Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, Вақфада зиёрат жиҳатидан Имом равзасиға келилиб эрдиким, Илдирим келди», — деб бошлайди ва «Барча ҳолотдин фарзанди аржуманд Ҳайдар соҳиб вуқуфдур, сўрулса арзадошт қилғусидур» жумлалари билан тугатади. Маълумки, тилга олиб ўтилган Имом равзаси Балхдин 25-30 км, шарқи жанубда жойлашган Мозори Шарифдаги зиёратгоҳ жой бўлмиш халифа Али мақбарасидир.

Шунингдек, Навоий «Соқийнома»сининг V бўлимида ҳамда «Бобурнома»нинг тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йилга бағишланган қисмидаги ёдномалардан Хусайн Бойқаро фарзандларидан бири Ҳайдар Мирзо Балхда бир неча йил ҳокимлик қилгани маълум бўлади.

Алишер Навоийнинг укаси Дарвеш Али исёни туфайли — ҳукумат қарори билан Балхга юборилиши воқеасига баъзи олимлар бошқача маъно бераётганликлари муносабати билан, Хусайн Бойқаро бу вилоятдаги фарзанд ва аёнларга махсус фармон йўллаган бўлиб, мазкур нишон сўнггида унинг ҳижрий 899 йил, рамазон ойининг йигирма тўртинчисида (мел. 1493 йил, 9 июль) битилгани кўрсатилган.

«Соқийнома» ҳамда «Бобурнома»даги маълумотлар билан мазкур фармоннинг қиёсий таҳлили юқоридаги мактубларни Навоий 1493—1494 йилларда Балхда, шаҳзода Ҳайдар Мирзо ёнида турган кезларида ёзганлигини кўрсатади.

Демак, навоийшунослигимизда маълум бўлган 1470, 1480, 1497 йиллар билан бир қаторда Навоий яна 1493-94 йилларда ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан Балхга бориб, бу шаҳарда бир неча муддат турган экан. У ўзининг қимматли маслаҳатлари билан шаҳзодага ҳукумат ишларида кўмаклашишдан ташқари, яна чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш учун керакли тадбирларни амалга оширган.

МУХБИР: — Мавжуда опа, «Муҳокаматул-луғатайн» ўзбек тили ва унинг тақдири, тилнинг назарий масалалари юзасидан баҳс қилувчи алоҳида илмий асар ҳисобланиб, Навоий ижодида улкан ўрин касб этади. Икки тилнинг илмий муқоясасига бағишланган бу асар тошбосма нусхалар асосида нашр этилган эди. Чунки, ўша вақтларда мамлакатимиз фондларида асарнинг биронта қўлёзмаси йўқ эди. Кейинчалик профессор Ҳамид Сулаймоновнинг жиддий изланишлари орқасида Туркия ва Франциядан асарнинг икки ноёб қўлёзмаси микрофильми топиб келтирилди. Бу катта воқеа бўлганлиги мутахассисларга маълум. Сиз шу ноёб қўлёзмалар асосида асарнинг танқидий матнини яратиш йўлидаги изланишлар ҳақида тўхталсангиз.

М. ҲАМИДОВА: — Ҳозир Навоий асарларининг мукаммал академик нашрини тайёрлаш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда юқорида таъкидлаб ўтилган нодир қўлёзмалар асосида ишончли илмий-танқидий матн яратиш ва шу асосда унинг ҳозирги жорий алифбодаги транслитерациясини амалга ошириш имкони яратилди.

Матн тузишда Навоий ҳаётлигида кўчирилган ва шоирнинг табаррук назари тушган Истамбул куллиёти (1496—97) таянч нусха сифатида танланди. Навоий вафотидан 24 йил кейин кўчирилган Париж куллиётидан эса ёрдамчи нусха сифатида истифода этилди. Нашр этилган тошбосма нусхалардан контрол нусха сифатида фойдаланилди.

Муқояса нашр қилинган нусха билан қўлёзма нусхалар ўртасида айрим фарқлар мавжуд эканини кўрсатди. Чунончи, нашр қилинган нусхада баъзи сўзлар катта қавс ичида берилган. Муқояса вақтида уларнинг айримлари қўлёзма матнларида қайд этилмагани маълум бўлди. Масалан, нашр нусханинг 110-бетида «адода» сўзи катта қавс ичида берилган, лотин графикасидаги нусхада бу сўз қавссиз берилган, қўлёзмаларда эса бу сўз бутунлай учрамайди. Яна бир мисол:

Чарх зулмидаки, бўғзумни
қирқиб йиғлармен,
Игирур чарх киби инчкириб
йиғлармен —

байтидаги «киби» сўзи нашр нусхада қавс ичида, лотин графикасидаги нусхада «урур» шаклида берилган бўлиб, Париж нусхасида эса «киби» қабилида берилганки, бу ҳол байт мазмунини очишга ёрдам бериш билан бирга, вазн бутунлиги жиҳатидан ҳам матнга мос келади.

Қисқаси «муҳокаматул-луғатайн»нинг икки янги ноёб қўлёзмаси илмий муомалага олиб кирилди ва улар асосида асарнинг ишончли, автор редакциясига яқин бўлган илмий-танқидий матни тузиб чиқилди.

Мухбир: — Бугун биз Навоий ижодий фаолияти ва ҳаётининг айрим, ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган қирралари устида бир озгина тўхталиб ўтдик, холос.

Зеро, улуғ Навоий адабий мероси битмас-туганмас жовоҳирлар хазинасидирки, биз ундан қанчалик баҳраманд бўлмайлик, бу мерос доимо ўзининг янги қирраларини намоён қилаверади.

Алишер НАВОИЙ

ҒАЗАЛ

Чиқди жон, қошима жонон киргач,
Қим ҳалок ўлғон экан, жон киргач.

Қелурингга ясадим кўнглим уйин,
Ясалур кулба, чу меҳмон киргач.

Ўзни асрарману кўнглим чекар оҳ,
Ногаҳ ул сарви хиромон киргач.

Оҳдин шуъла етишгандек эрур,
Ўқидин кўнглума пайкон киргач.

Юз жунун шуъласи айлар пайдо,
Ул пари кўнглума пинҳон киргач.

Даҳр уйи ичра иқомат тилама,
Чиқмамоқ анда не имкон, киргач.

Борма кўйига Навоийки, қочар
Ёр сен телбаи ўрён киргач.

ФАРДЛАР

Бу кун насими фироқи менинг сари эсти,
Ки жонни елга бериб, васл риштасин кести.

* * *

Ғофил ўлма, назардин итса аду,
Шамъ ўчургонда, ел кўринурму.

* * *

Кўнгулга футур ўлмайин роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

* * *

Чун илик бермаски ўпсам ул ситамгар илкини,
Ул киши илкин ўпайким, тутқай ул ёр илкини.

* * *

Бўлмасанг оллимда, ё кўнглумда бўл, ё жонда бўл,
Манзилингдур бори, кўнглинг қанда истар — анда бўл.

* * *

Қизил тўнунг ила юз хаста жонга офатсен,
Ҳаддиси мухтасар айлай, қизил қиёматсен.

* * *

Базл ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Уйладурким, орзу қилгай бўғу шоҳида гул.

УЛУҒ БОБОМИЗ ТЎҒРИСИДА

1988 йилнинг 1 июнида «Комсомольская правда» газетасида «Президент Москва Давлат университетида» деб номланган мақола чоп этилди. Унда Москва дорилфунунида АҚШнинг собиқ президенти Рональд Рейган қилган маъруза, бу чиқиш ҳақидаги талабаларнинг фикрлари берилганди. Талабалардан бири Рейган рус маданияти ва совет халқларининг буюк ижодкорларининг фикрларидан мисоллар келтириб, ўз қарашларини ифодалаганини айтган ўрин диққатимизни жалб этди. Рейган тилга олган бу адабиёт классиклари Николай Василевич Гоголь, Алишер Навоий ва Фёдор Михайлович Достоевскийлар эди... Ҳа, узоқ америкалик сиёсий арбоб, давлат раҳбари ўзбекнинг Навоийси илгари сурган ғоя қарашни эслаб ўтган эди. Рейган Навоийнинг айнан қайси қарашига таянганлиги масаласи бизни қизиқтириб қолди. Чунки у топилгачгина аниқ далил билан бу фактни халқ орасида тарғиб қилишимиз ва ёки масалан ҳозирда яратилаётган «Навоий қомуси»га киритишимиз мумкин бўларди.

Лекин Навоийдан Рейган келтирган фикрни топиш осон кечмади. Москва дорилфунунидаги учрашув чоғида қилинган президент маърузаси матни газеталарда эълон қилинмаган экан. Кўпгина уринишлардан сўнг ўша кунлари Москвадаги адабиёт институти тингловчиси бўлган шоир Тўра Мирзо ёрдамида Рейган айтган гапнинг Навоий билан боғлиқ қисмини билиб олишга муваффақ бўлдик. Аниқлашимизча, Рейган Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидаги машҳур

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидан ғами.

байтининг мазмунини келтириб ўтган экан. У инсонийлик билан халқпарварлик ўзаро боғлиқлиги Навоийнинг буюк ғояси мисолида ҳам ўз аксини топганлигини таъкидлаб ўтганди. Демак, Рейганга Навоийдаги одамларга наф келтирган кишигина жамиятнинг муносиб аъзоси сифатида тилга олиниши мумкинлиги борасидаги фикр маъқул келган экан. Айни пайтда бу факт Навоий шахси ва меросининг АҚШдаги обрўсини ҳам кўрсатади.

Афтондил ЭРКИНОВ,
ТошДУ ўқитувчиси.



Шу кунларда жумҳуриятимиз меҳнат аҳли, адабиёт мухлислари Алишер Навоийнинг ажойиб асарларини яна бир карра қўлга олмоқдалар. Жойларда турли хил кечалар уюштирилмоқда. Хоразм вилоятининг Боғот ноҳиясида яшовчилар Ражаббой ака Рўзматовни Навоий ғояларининг чинакам тарғиботчиси сифатида ҳурмат қилишади. Чунки ўзбек тили ва адабиёти муаллими Ражаббой ака Навоийнинг пурмаъно асарларини, ажойиб ўгитларини ёшларга тушунтиришдан, давраларда ғазалларини ёдаки айтишдан чарчамайди.

Сураткаш Ж. ҚОЗОҚОВ.

ҒАЗАЛЛАРДАГИ АЙРИМ ИШОРАЛАР ҲАҚИДА

Алишер Навоий асарларида, айниқса, унинг лирик ғазалларида қадимий диний ривоятлар, тарихий воқеалар, афсонавий, тарихий шахслар ҳаётига ҳамда ишқий-саргузашт қиссаларга оид ишоралар кўплаб учрайди. Буюк адибнинг юксак санъаткорлиги ҳам шундаки, ана шу кичик ишоралар орқали китобхон диққатини катта-катта мавзуларга тортади ва унга ҳаёт фалсафасини чуқурроқ идрок этишга кўмаклашади.

Масалан:

Кўюб Фарҳоду Мажнун
қиссасин, кўр дафтари ишқим,
Ки бир-икки хатида топилур
ул икки мазмундек.

Мазкур байтда шоир Фарҳод ва Мажнунларнинг қиссаларига ишора қилар экан, ўқувчи диққатини бир эмас, иккита катта мустақил ишқий қиссага ҳавола қилаяпти. Ўқувчи гап нима устида бораётганини дарров тушунади. Бинобарин, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби севги достонларининг қаҳрамонлари Фарҳод ва Мажнунларнинг фожиавий, пок муҳаббатлари ҳақида ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам тасаввурга эгадирлар. Шоир Фарҳод ва Мажнунлар қиссасига ишора қилиб, ҳар иккиси алоҳида достон бўлган ўша қиссалар мазмуни менинг «дафтари ишқим» нинг бир-икки хатидагина топилади, деб ишқининг баёни улардагидан зиёдалигига ишора қилмоқда.

Ёки:

Кўп ўқувдим Вомиқу
Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдан бул ажаброқ
достоне топмадим.

Мазкур байт ҳам мазмунан юқоридагига яқин ва уни тўлдиради.

XV аср ўрталарида яшаб ижод этган, Навоийнинг замондоши Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг «Бадойиъус-санойиъ» асарида бундай санъатни талмиҳ деб изоҳлайди: «Каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки мақолга ишорат этмактин иборатгур... Шоир андоқ қилуркимки, анинг озгина алфози кўп маънони билдурур, анинг учун ани талмиҳ дерлар», деб ёзади.

Биз мазкур мақолада ана шу талмиҳ санъатидаги Навоий мурожаат этган диний ривоят, қисса, шахсларнинг айримлари ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз.

Шуни айтиш керакки, Навоийда (бу классик адабиётимиз учун характерли) Одам Ато, Нуҳ, Сулаймон, Довуд, Мусо, Исо, Халил, Юсуф ва бошқа пайғамбарлар ҳаётига оид нақл, ривоятлар, воқеа-ҳодисалар, шунингдек ўз даврида улар тарғиботига қарши чиққан Қорун, Намруд, Фиръавн каби хасислик, бахиллик, жоҳиллик ва ёмонлик рамзини ифодаловчи салбий шахсларга ишоралар кўплаб учрайди. Буни оддий китобхон тушуниши қийин, тушуниш учун эса маълум тайёргарликка эга бўлиш керак.

Масалан:

Нуҳ умрию Сулаймон
мулкига йўқтур бақо,
Ич Навоий, бодаким, олам
ғами беҳудадир.

Ушбу байтнинг маъносини ва ундаги фалсафий нуқтани топиш учун бу ўринда Нуҳ ва Сулаймонлар ҳақидаги қисса ва ривоятлардан хабардор бўлиш лозим. Энг камида Нуҳнинг узоқ умр кўрган пайғамбарлардан, Сулаймон эса тарихий шахс, ривоятларда пайғамбар ва шон-шавкатга эга подшоҳ сифатида машҳурлигини билиш керак. Уларнинг ҳар иккисига оид қизиқарли нақл ва ривоятлар кўп. Шу билан бирга айрим байтлардаги ишораларнинг луғавий ва мажозий маъноларини ҳам билиш зарурдир.

Масалан:

Эй Масиҳа, урма дам ул
кўзда суфрат дафъига,
Қаҳрабо келтур, қуёштин,
ҳут буржидин балиғ.

Бу байт мазмунини тушунмоқ учун Масиҳанинг кимлиги, «ҳут буржи», қаҳрабо ва в. ҳ. ларнинг нималигини англамоқ керак.

Масиҳ (Масиҳо) — Исо пайғамбарнинг лақаби. Исо Масиҳ христиан динининг асосчиси, салибга михлаб ўлдирилган, кейин тирилиб осмонга чиқиб кетган дейилади. Дин тарихига оид китобларда айтилишича, у ўзининг шифобахш нафаси билан касалларни тузатган, ўликларни тирилтириш қудратига эга бўлган.

Суфрат — сариғлиқ, сариқ касаллигига ишора.

Қаҳрабо — бир турли сариқ тош, халқда сариқ касал бўлганлар бўйнига тақиш тавсия этилган, яна рангнинг сарғайгани ҳам қаҳрабога қиёс этилади.

«Ҳут буржи» — шарқ астрономиясида охирги ўн иккинчи бурж. «Ҳут» — катта балиғ, Беруний «қўш балиғ» деган маънони ҳам англатишини ёзади. Халқда ҳар бир «бурж»нинг яна бошқа номи бор, масалан «ҳут буржи» — «балиқ» деб юритилади.

Демак, байтдан ёрнинг сариғ касал билан оғригани англашилаяпти. Шоир Масиҳга мурожаат қилиб, сен ёрнинг кўзидаги сариғини (сариғ билан оғриганда аввал кўзнинг оқи сарғаяди) даволамоқ учун дам урмагин, бефойда, бунинг ўрнига қуёшдан қаҳрабо, «ҳут буржи», яъни «балиқ буржи»дан балиқ келтиргин, шулар ёр дардига даводир, демоқчи. Шоир касалликни даволашда халқ табобатида қўлланадиган расм-русумлар, яъни қаҳрабо тошни бўйнига тақиш, балиққа қараш, ҳамда гўштини таомил қилишни кўзда тутган. Шунингдек, Исо Масиҳнинг тирик, осмонга чиқиб кетган, деган ривоятларга ҳам ишора қилаяпти.

Ёки:

Моддин умрунгга осойиш
агар етмас не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг,
ганжи Қорун қозғониб.

Яъни мол-дунёдан умрингга осойишталик йўқ экан, Нуҳ умрича яшаб, Қорун хазинасидек бойлик тўплаганингдан фойда нима? Бу ишорадаги Қорун ким?! Унинг хазинаси қандай бўлган? Биз шу ҳақда муфассалроқ тўхтаб ўтмоқчимиз. Бинобарин, «Қорун ганжи» ва унинг оқибатини Навоий одамларга сабоқ сифатида бир неча байтларида келтиради ва таъкидлайди.

Саволларга жавоб бериш учун ривоятлардаги Қоруннинг ҳаёти, беҳисоб бойликка қандай эришгани оқибати тўғрисида баён қилиш эҳтиёжи туғилади.

Айтиш керакки, Қорун ҳақидаги ривоятлар «Таврот» ва «Қуръон»да ҳам ўз ифодасини топган. Уларда қайд этилишига кўра, Қорун Мусо пайғамбар қавмидан, катта бойликка эга, такаббур, эътиқод ва хайр-эҳсон нималигини билмаган хасис ва бахил киши бўлган. Охир оқибатда уни бойлиги билан қўшиб ер ютган.

Бу ривоят бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Навоийга қадар яратилган (XIII аср иккинчи ярми XIV аср бошлари) ўзбек насрининг илк намуналаридан ҳисобланган Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» (ёки «Қиссасул-анбиё») асарида бунинг ёрқин мисолини кўриш мумкин. Рабғузий Қорун ҳақидаги қиссани шундай бошлайди: «Қорун ҳазрат Мусо алайҳиссаломга уммат эрди... Кимёгарлиғни ўрганиб, нафси семуриб кофир бўлиб кетти, бахил эрди, балки лаъим эрди, хайр-саховат асло қилмади...» Шундан сўнг унинг қандай қилиб бойликка эга бўлгани ҳикоя қилинади.

Бир куни Қоруннинг олдига гадо тиланиб келади. Қорун ҳеч нарса бермай, «агар Мусонинг хассаси ёки кавушини олиб келсанг, сотиб оламан», — дейди. Гадо Мусога тиланиб борса унга тасбеҳини беради, Қорун уни сотиб олади. Бошқа куни Мусонинг яна бир нарсасини олиб кел, дейди. Бир кун Мусо биёбонда сайр қилиб юрса, унга гадо учраб, очлигидан, болаларига овқат топиб беролмаётганидан зорланади, ёрдам сўрайди. Мусонинг унга раҳми келиб айтадики, шу биёбондаги тошларни йиғиб, ўт ёқиб куйдирсанг олтин бўлади, дейди. Гадо тошларни йиғиб юрганини Қорун кўриб қолади ва ундан нега тош йиғаётганини сўрайди. Гадо тушунтиради. Қорун унга тошни олтин бўлганини ҳеч кўрганмисан, бу беҳуда иш, Мусо сени алдаган, дейди, унга нон ва бир парча гўшт бериб жўнатиб юборади. Кейин қулларига биёбондаги тошларни тердириб қирқ хирмон қилади ва ўт ёқиб куйдириб қизил олтин олади, бу олтинларни етти ой давомида уйига ташитади. Шунча бойлигига қарамай, ўта хасис Қорун қулларига нондан бошқа нарса бермас, ўзи ҳам емас эди. Бойлигидан мағрурланиб, бир ғишти олтин, бир ғишти кумушдан бўлган қаср қурдиради. Мусо унга шунча мол-дунёдан озгина қисмини очларга эҳсон-закот қилишини сўрайди. Қорун кўнмайди, аксинча, «Эй Мусо мен сени тангрингдин ҳеч нимарса олганим йўқ, ул ҳам мендин ҳеч нимарса тиламасун», — дейди. Шундан кейин бойлигини тўртдан бирини беришни таклиф қилинади, кўнмайди.

Мусо худога мурожаат қилиб, «Ерни менинг фармонимга бергин», дейди. Сўнг тахтида такаббурлик билан ўтирган Қорун тепасига бориб, унинг ўтган кунини унутмаслигини, бир вақт Фиръавнга ҳар кун тўртта нонга ишлаб юрганини эслатади. Лекин Қорун Мусонинг тарғиботини ҳам, таълимотини ҳам қабул қилмайди. Шундан кейин Мусо ерга амр қилиб, «ер тутғил!» дейди. Қорун тахти парзага келиб, аввал тўпиғигача, сўнг тиззасигача, охири бутунлай ерга киради. Шундай қилиб Қорунни, унинг тахти, бахти, саройларини ҳаммасини ер ютиб юборади.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида ҳам Қорун қиссаси келтирилади.

Унда Қорун «Мусо алайҳиссаломнинг яқин қаробати» яъни қариндоши экани, ҳусида, илм-фанда етук бўлгани, Мусо унинг тарбияти билан шуғулланиб ўзи хабардор бўлган «улуми ғариба ва фунуни ажиба» (яъни ажойиб ва ҳайрон қоларли илм-фан)лардан Қорунга ҳам ўргатади. Қорун, айниқса, кимё илмидан яхши хабардор бўлган. Улардан фойдаланиб, ажойиб натижаларни қўлга киритиб, катта бойликка эга бўлади. Оқибатда «анинг мол ва тажаммули ул ерга еттиким, хазойин ва кунузнинг калидларини қирқ хачир кўтарур эрди». Шунда Мусо молининг мингдан бирини камбағал бечораларга хайр-эҳсон учун закот бергин, дейди. Қорун кўнмайди, аксинча, катта лавозим талаб қилади, бузуқ аёлни Мусога туҳмат қилдирмоқчи бўлади. Дарғазаб Мусо худодан ернинг амрини сўраб олади ва ерга Қорунни ют, дейди. Ер уни юта бошлайди. Тиззасигача ерга кирганда Қорун узр сўрайди. Лекин кеч эди, унинг гапига ишонишмайди. Қорун ва унинг ҳамма бойлигини ер ютади.

Келтирилган қиссалардан англашиладики, Қорун — Рабғузийда гарчи илм-фандан хабардор бўлса-да бир инсонни алдаш эвазига, Навоийда ўзининг билими ва қобилияти эвазига бениҳоя бойлик орттирган. Лекин у меҳр-шафқатдан йироқ, бойликка ўта ҳирс қўйган, хазинасининг озгина қисмини бўлсада, эзгуликка ишлатмайди, бечораҳол одамларга ёрдам беришни раво кўрмайди. Унинг тўплаган бойлиги бефойда ҳашаматли саройлар қурдиришга сарфланади...

Ўзининг ҳаёти ва фаолиятини, халқ бахти-саодатига бағишлаган бойлигини халқ, эл-юрт фаровонлигига сарфлаган, қанчалаб масжид, мадрасалар, дорушшифолар, боғлар ва работлар қурилишига ишлатган, оч-яланғочларга овқат ва кийим улашган Алишер Навоий ўз асарларида халққа нафи тегмайдиган бойликни ҳамда Қорун ва унга ўхшаш такаббур, хасис, нафс бандаларини қаттиқ қоралайди. Бундай беҳуда тўпланган бойликнинг охир оқибати «вой» бўлишини, унинг эгаси қаттиқ жазога маҳкум этилажагини таъкидлайди, ҳамда ҳалол ва инсонга меҳр-шафқат билан яшашга даъват этади. Бунда Навоий ёлғиз ўз нуқтаи назарinигина эмас, балки, минг йиллар давомида инсониятнинг оқил ва адолатли фикрини ифодалаб келаётган қисса, ривоят каби қадимги тарихий қадриятлар руҳини баён қилди ва уларга асосланди.

Т. ҒАФУРЖОНОВА,
У. ОТАЖОНОВ.

Сайёра

/ҳикоя/

Ҳечам ёдимдан чиқмайди. Юнусободда боғимиз бўларди, баҳор чиқиши билан кўчларимизни олиб далага кетардик. Биласизми, ўша вақтда Юнусобод Тошкентга яқин бўлса ҳам, ҳаммаёқ боғ-роғ, мевазор эди. Шаҳарни ширин-шакар узумлар, тил ёрадиган қовунлар, бошқа мева-чевалар билан таъминларди. Менимча, Юнусободнинг узумидек ширин, чиройли узум ҳеч ерда йўқ десам, янглишмасам керак.

Боғимизда узумнинг ҳамма хиллари мавжуд эди. Дастлаб қизил чиллаки, кейин оқ чиллаки, дарон пишарди. Кейин бирин-кетин ҳусайни, ҳасайни, қора, оқ кишмиш, буваки, соҳиба, катта қўрғон, энг охири кирмисқа етиларди. Чаросни айтмайсизми! Менинг падари бузрукворим ўзлари шоир табиат эдилар, улфатлари ҳам ўзларига ўхшаш хуш суҳбат, завқли одамлар эди. Чарос пишди дегунча, эзиб хумчага солардилар. Узумни кичкина укам билан икковлашиб оёғимизда эзиб берардик. Икки-уч ҳафта деганда мусаллас роса етиларди. Сузадиган куни эшитибми ёки ўзлари сезибми, отамнинг жўралари бирин-кетин кириб келишарди. Билмадим, ўшанда мусалласни сузишардию, тинитмасдан хомлигида ичиша берарди. Аммо мен уларнинг бирортасини ҳам мусаллас ичиб, маст бўлиб қолганини эслай олмайман. Суҳбатлари бўлса жуда ширин, файзли ўтарди.

Мен сизларга буларни айтишдан мақсадим, ўша улфатлар йиғилишадиган хонада бир сурат осиғлиқ турарди. У шоир Фурқатнинг «Сайёра» ғазалига тақлид қилиб, бир номаълум рассом томонидан чизилган эди. Отам ўша сувратни жуда ёқтирардилар ва ҳеч кимга ишонмасдилар. Отамнинг қадрдон дўстлари Сайдиғани ака, мусаллас ичиб, бироз кайф қилгач, қўлларига дуторни оларди-да, «Сайёра» ғазалини куйга солиб айтиб берардилар. Қўшиқнинг ўртасида гоҳо-гоҳо деворда осиғлиқ турган сувратга қараб қўярдилар. У кишининг овозлари ширали ва хазин эди. Жалил ака деган отамнинг яқин оғайнилари қўшиқдан таъсирланиб кетиб, ўзларини тута олмай, «Фарёдики чархи бевафодур», деб пешоналарига уриб қўярдилар. Нега шундай қилар эканлар, ҳали-ҳали сабабини билмайман, балки юрагида бирор дардлари бўлса керак.

Ўша сурат отам вафотидан кейин қаергадир йўқолиб қолди, ё биров олиб кетди ёки бўлмаса эътиборсизлик оқибатида бирор жойда қолиб, ёддан кўтарилди. Суриштирдим, акаукалардан, қариндошлардан, отамнинг ўртоқларидан, аммо ҳеч ким билмади, тайинли гап ҳам айтишмади.

Газетада ишлаб юрганимда таниш рассомларга ўша номаълум сураткаш чизган расмнинг мазмунини сўзлаб берганман. Лекин улар эътибор беришмади ёки чизгилари келмади. Бир куни ёш рассом Алп Жамол ўғли Темурғолибга шу фикримни айтган эдим, дарров илиб олақолди. «Мен ишлайман, агар рухсат этсангиз», деди.

Шундан кейин Темурғолиб бир-икки ой кўринмай кетди. Бир куни тасодифан уни редакция ёнида учратиб қолдим, ўзи ҳам дарвишнамо бўлиб юрган экан.

— Суврат нима бўлди? — сўрадим,

— Ўйлаб юрибман, — деди.

Мен «чизмаса керак», деб ўйладим, бўлмаса шунча ҳам ўйлаб юрадими, мавзу кўнглига ёқмаган. Нима ҳам қилардим, мажбур қилиб бўлмаса, ижодкор одам...

Кунлардан бир куни идорада ўтирсам, Темурғолиб келиб қолди, қўлтиғида суврат. Дилим ёришиб кетди, дарҳол столга ёздик... Бўлмади, суврат менга ёқмади. Чунки ўша номаълум сувраткаш чизган расмнинг тасвири кўз олдимдан кетмасди. Мен Темурғолибга ўз фикр-мулоҳазаларимни айтдим. Темурғолиб бироз хафа бўлгандек чиқиб кетди.

Яна бир ойча йўқ бўлиб кетди. Ишламаса керак, деб ўйладим. Унга нима? Кўнглимдан кўп фикрлар ўтди. Аммо мен ўйлагандек эмас экан, ҳарҳолда Темурғолиб гапининг устидан чиқди, ота боласида, нима қилса ҳам. Сувраткаш расмни столга ёзиб «Мана энди чиққандай...» деб менга қараб турди.

«Сайёра» суврати ҳозир менинг уйимда, иш хонамга осиб қўйганман. Гоҳо-гоҳо унга қараб болалигим ёдимга тушиб кетади, ўша чарос узум, хумдаги мусаллас, отамнинг қарашлари, чопиб юришлари, онамнинг жиғибийрон бўлишлари. Сайдиғани аканинг дутор чертишлари, Жалил аканинг пешонасига уриб «Фарёдики чарҳи бевафодир» дейишлари...

Энди ўйлаб қарасам, ўша номаълум рассом «Сайёра» ғазалига ёзган сувратида чуқур маъно бор экан. У оламни, одамларни, имон ва виждонни покиза сақлашга даъват этувчи нозик қўшиққа ўхшар экан... Сайёра ҳақидаги ушбу ҳикоя ана шу сувратга насрий чизгилар холос...

* * *

Мана бугун Наврўзи олам. Ҳаммаёқда уйғониш, жонланиш, улғайиш. Новдаларда ҳаёт нишонаси. Майин баҳор шаббодаси эсиб, ғунча лаблардан бўса олади. Тупроқ тагида кўмилиб кетган ўрик данаги бошига пўчоғини илиб, униб чиқибди. Ариқ бўйларида кўкламнинг илк даракчиси бинафшалар қийғос очилиб ётибди, уларда осмон ранги намоёндек. Ер остидан югуриб чиққан бойчечаклар табиат ҳуснига-ҳусн қўшади, гулсапсарлар сувга қараб эгилади... Қаранг, сумалакка деб экилган буғдой доналари униб чиқибди. Ялпиз, исмалоғлардан чучвара, сомса қилишади лобар аёллар... Ҳа, Наврўз диёримиз боғ-роғларига меҳмон бўлиб келган ажойиб кунлар эди ўшанда...

Баланд тоғ тизмалари. Чўққиларда оппоқ қор, улар келаси баҳоргача ҳам эриб тамом бўлмайди, ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам оппоқ бўлиб тураверади. Эрта тонг, бутун борлиқ, табиат, жонзот, қушлар, шалолалар, ҳамма-ҳаммаси Қуёшнинг чиқишига мунтазир. Оппоқ тонг қўшиғини куйлар шунда сайроқи қушлар... Ана қаранг-а, шафақ рангга бўялди, осмоннинг бошланиши, ўша ердан аста-секин нур таралар чўққиларга!

Тоғ ёнбағирлари бўйлаб кимдир келар шу томонларга, аммо ҳали узоқда, кўз илғамайди уни, яна кимдир бор ёнида, гўё бир-бирини судраб келар, тўхтаб-тўхтаб қолар, кейин имирсилар, нималарнидир деб жаврайди, бирор гап бор...

Юра-юра яқинлашди, ҳамма нарса аста-секин ойдинлашди, йўловчига ўхшайди-ку, аммо... Йўқ, ундай эмас, тоғликлардан бўлса керак, абжир, қадамлари дадил. Яқин келди, ҳамма нарса аниқ тортди, бу сайёд, қаранг унинг башанглигини, қадди-басти сарв каби текис, расо, қадамидан гурсиллайди тоғ дараси. Ёнида овчилик анжомлари, тузоқ, пичоқ, камон. Демак, асли касби унинг овчилик, жонзотларни, қушларни овлаш.

Мана бугун навбатдаги ўлжасини боғлаб, судраб, тортқилайди ҳар томонга. Шўрлик оху боласи илинжида шу баттолнинг тузоғига. Қурган ҳамон, табиатнинг хира тортар, осойишталикка, гўзалликка озор етибди деб. Дейсан: «Қандай қаҳри қаттиқ экан одамзотнинг».

Тонг саҳардан сайраб турган қушларнинг қўшиғида нола сездим, шалолалар тошиб-ошиб шовқин солар, само тагги гумбирлади, тоғ томондан нолиш келар...

Шу пайт сойдан илдамлаб жулдир чопон кийган бир Дарвеш чиқиб келар. Бечоранинг очликданми, йўқликданми суяклари бўпишиб эт-этига, соч-соқоллари ўсиб кетган, озғида мажоли йўқ, дили хаста, ҳамду сано айтиб нималардир ўқиб келар, бу дунёнинг ҳасратларини сўзлаб, бўзлаб келар:

— Шукурлар бўлсин, мана дўстлар, Наврўзга ҳам етиб келдик. Бугун янги рўз, йил бошланди, инсон қалби яхшиликка мойил. Агар сен, азизим, бирор кимсанинг кўнглига озор етказган бўлсанг бориб кечирим сўра, токи юрагингда армон бўлиб қолмасин. Ғарибларнинг кўнглини ол, ёрдамингни аяма улардан. Билгилки, бу ёнар дунёда, ўткинчи бебаҳо дунёда одамлар озмунча озор чекмадими. Инсон эрки, имони топталди, ҳақиқат эгилди. Эҳе, азизларим, эгилгандан кўра сингани ҳам маъқул эди бу ҳақиқатнинг. Негаким, эгилиши ҳам қурсин унинг, қанча-қанча оқилларнинг боши кетди, мажруҳ бўлди, ёшлик умри хазон бўлди. Ҳақиқат юзага чиққунга қадар бир йигитнинг умри ўтди. Фақат йиллар, ҳа, даврлар, ким ҳақу, ким ноҳақлигин исбот этди. Бу ҳақсизликларга йиғламай, нимага йиғлай! Эркин фикр билдирганлар ғоясизга чиқарилди, давр ўтиб, энди бўлса ўша шўрлик ҳақгўй, жонкуяр бўлиб чиқди. Ҳушёр бўлинг азизларим, тафаккурни соғлом сақланг, бериб қўйманг жиловингиз қотиб қолган ғояларга! Шуни билинг, ёдда тутинг, ғоя учун жанг ҳеч қачон тугамаса, хулосаки, қайси ғоя, қайси фикр тўғрилигини яккаю-ягона ҳукмдоримиз, тарихнинг яратгувчиси халқдан сўранг!

Бугун Наврўз, жон кирмоқда табиатга, қадим ота-боболаримиз удумини ҳеч унутмайлик, янгиликнинг туғилиши бошланган кунда яхши орзуният, соғлом фикр қилмоқ керак. Бу жуда зарур эзгуликка, деб, савоб учун, келажакни ўйлаб туриб ниҳол экинг, янги боғу-бўстонлар бунёд этинг, борларини асранг, оламни ҳам, одамларни ҳам эҳтиёт қилинг, бева-бечораларга шафқат айланг, ҳасад қилманг яхшиларга. Ота-онанинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг, қабрларини зиёрат қилишни унутманг! Наврўз тонги нимани орзу қилсанг, ният этсанг, албатта, мақсадингга етгайсан.

Дарвеш тинмас, айтадиган сўзлари кўп, қарасаки, Қуёш кўтарилар, ана кўринг балқиб чиқар, шафақ рангидан осмон кулар, мунавварлашар.

Дарвеш дейди:

— Сен эй Қуёш, яратган ҳам, безатган ҳам, валлоҳ ўзинг, бу оламга ҳаёт бердинг, кечанинг ҳам, кундузнинг ҳам ижодкори ўзингдурсан. Наврўзи олам сен бўлмасанг қайда эди, сеҳросин ёз, тўкин куз ҳам сен туфайли, баҳор чечакларига, гулолаларга ранг улашган ҳам сенсан, кирмизи олмалар, ширин-шакар узумларга жило берган, тот берган Қуёшдирсан.

Дарвеш тоғ чўққилари узра баркашдек кўтарилиб келаётган Қуёшга ҳамду сано айтиб таъзим бажо келтирди, кейин қаршисида оҳуни арқонлаб, боғлаб олган Сайёдга кўзи тушди-ю, ҳайратдан тили лол, ҳаяжонда қолди. Бора солиб овчи домидаги оҳунинг бўйинларидан қучоқлади, уни силаб-сийпаб, ўз-ўзича нималарнидир деб пичирлагандек... Оҳу ҳам уни тушунгандай, қулоғини динг қилиб турар.

Дарвеш дейди:

— Нима қилиб қўйдинг, эй Сайёд, шўрликка шунчалик ҳам жабр қилмасанг, диёнатинг борми ўзи?

Сайёднинг жаҳли чиқди, «Нима қилиб менинг ишимга аралашади, ўзи бу эзма чол тонг саҳарлаб буёқларда не истаб юрибди?»

— Кимсан ўзинг, қайдан келиб қолдинг бу водийга?

— Ким бўлардим, жаҳонгашта Сайёраман, маконим йўқ, дала-даштларда, тоғларда ўз бахтимни қидириб юрибман, яна сўрасанг, табиат ошиғиман, гўзаллик шайдосиман...

— Ким сени мажбур этмиш жаҳонгашталикка?

— Бошимда не кўргулик бўлса, ҳаммаси ўзимдандир, исёнкорман, ҳақ гап ҳеч кимга ёқмас, шу сабабдан хор-зорман.

— Айт-чи, жаҳон кезиб ҳақиқатни топиб олдингми?

— Ҳақиқат осмон билан ернинг ўртасида муаллақ тургай... Унутма!

— Бахтингни-чи?

— Топган эдим, яна йўқотдим.

— Нега?

— Бу анча гап, кейин айтадурман, сен аввал, оҳунинг бўйнидан домини ол, илтижо қилурман.

— Овчиман, оҳу менинг ўлжам, бўшатолмайман. Овчилик ота мерос менга.

— Эй, Сайёд бундай мерос кимга керак, жонзотларга озор бериш учунми, агар касби-коринг қийнаш, боғлаш, ўлдириш бўлса, сен яхши одам эмассан, демак сендан омонлик кутиб бўлмас, кеч бундай машъум одатдан, меҳр-шафқатни мерос қилгин авлодларга. Шунчалик ҳам алғов дунё, одамларда диёнат йўқ, имкон кетган, виждон ҳам йўқ, озор бермай қўйиб юбор жониворни!

— Мендан бекорга хафа бўлдинг Сайёра, ростини айтсам, болаларим кўп, жўжабирдек жонман, уч кун бўлди овлоқларга кетганимга, агар билсанг болаларим оч-яланғоч, кутар мени, баҳор эмасми, жониворлар кўпаядиган вақт, овим келмай, оқибатда илинтирдим шу оҳуни тузоғимга.

— Майли, ундай бўлса сот менга, мана бору-йўғимни сенга берай.

Сайёра белбоғидан ҳамённи олиб, бор-йўғини Сайёдга узатади, у қайрилиб боқмайди ҳам. Ўз асирасини яна тортиб судрайди, жонивор оёғини қаттиқ тираб олиб, юрмайди, арқоннинг қисиғидан бўғилиб, кўзлари олайиб кетади, мадад истаб тоғ томонга интилади, талпинади, унсиз овоз чиқариб, инграгандек бўлади.

Дарвеш ўзини қайга қўярини билмай дард чекади, қани энди кучи етса зўрлик билан овчининг домидан оҳу шўрликни қутқариб олган бўлур эди, нима қилсин мажоли йўқ, қувватдан кетган.

— Молим етмаса, жонимни ол, розиман, эвазига оҳуни бўшат, ахир сени ҳам онанг туққан-ку!

— Мени кечир айтганларингни бажо келтира олмайман, танангга бир ўйлаб кўр, сен бир фақир гадо бўлсанг, на мансабинг ва на дунёйинг бўлмаса, яхшиси мени йўлдан қолдирма, сабабини айтдим-ку сенга, наҳотки дунё кезган жаҳонгашта бўлатуриб тушунмасанг.

Сайёд оҳуни бўшатмайди, бу энди Дарвешга аён. Овчи баттол, қайсар унинг сўзларини инобатга олмайди, дардсиз одам, фақат ўзинигина ўйлайди. Болалари кўп эмиш, оч ўтирганмиш, балки ёлғон сўзлар, шу билан ўзининг баттоллигини яширмоқчи, оқламоқчи ёвузлигини. Жониворларга озор бериш унинг одати, касби жаллодлик, кўзлари ҳам айтиб турибди. Унинг учун гўзаллик йўқ, севги ҳам, муҳаббат ҳам. Қилмишлари ёш қалбларга сингса ёмон, аҳлоқсизлик, меҳрсизлик уйғотади.

Дарвеш тақдири ўз қисматини ўйлади, нималарни кўрмади бу шўрлик боши. Бир онадан оқ сут эмган, ажаб бегоналарни кўрди. Дўст бўлиб, бошига мушкул тушганда, ўзини олиб қочган ғийбатчи ошноларни ҳам кўрди. Лавозим, амали учун ошно бўлган, кейин кўриб кўрмасликка олиб ўтиб кетган дўстларга ҳам дуч келди. Ҳа, ким эди-ю, ким энди? Бир вақтлар ёш, навқирон эди, орзулари, умидлари катта эди. Ҳаммаси ҳам бир дақиқадек ўтди кетди, ёшлиги ҳам, севгиси ҳам қайтиб келмас. Бу аянчли шум даврлар не куйларга солмади уни. Зоти ҳам йўқ, исми ҳам йўқ, кўрганлар: «Ана Дарвеш келар» дер. Ҳамёнида арзимаган ақчаси бор, эҳе унга нима берсин, одамни ҳам, пулни ҳам қадри кетган шу замонда.

Бир вақтлари севгилиси бор эди, Сумбулани чўлдан келган босқинчилар олиб қочди борса-келмас эл-юртларга. Сумбуласи билан бирга кетди севгиси, бахти, шундан бери ёрини излар, қарори йўқ, олам кезар...

Дарвеш қўмсар ҳар дақиқа севгилисини. Қайда энди ақлим олган соҳибжамол Сумбулам деб. Оҳу кўзлар қайда қолди. Сайёднинг асирасига термулади, кўзларига қараб унсиз сўзлашади. Унинг дийдасида севгилисининг чўлпон кўзларини кўргандек... Бу ўша, нигорон кўзлар, таниш нигоҳлар, ўтли дийдалар. Тушимми ё ўнгимми? Эй, коинот, эй сен оламга гўзаллик бахш этган табиат, ўзинг мени кечир, ақлдан бироз оздим чамамда. Дилбарим намоён негадир оҳу кўзларида. Қанча йиллар ўтиб кетибди ўшандай бери. Сумбуланинг фироқида ўртанди, изтироб чекди, излади уни, қайдасан эй моҳи анқо деб. Шунда ҳам чин муҳаббатини сақлаб, авайлаб...

Сайёра силаб-сийпалади оҳу бошларини, эркалайди, термулади кўзларига. Оҳу ҳам ялаб-юлқаб, суйканади, гўё икковлон бир-бирлари билан унсиз сўзлашгандек. «Йиғлама жигарим, раҳм-шафқат қилмаса, худога солдим уни, тинчлан чўлпон кўзлигим. Балки сен биларсан Сумбуланинг қайдалигини». Оҳу тушунгандек Дарвеш сўзларини, маъюсгина тикилар Сайёранинг кўзларига. Гўё дилдил билан сўзлашар, кўнгил кўнгилдан сув ичгандек.

Сайёд ҳайрон, нималар бўлаяпти ўзи бу ажиб Наврўз тонгида. Наҳотки жонзот билан инсон ўртасида шундай яқинлик бўлса, табиатнинг иноятиби бу. Бўйнидаги доминнинг сиқуви ҳам, оғриғи ҳам сезилмасди оҳуга...

Қуёш кўтарилди. Унинг нури-зиёсидан олам мунаввар. Она тупроққа, одамлар қалбидаги меҳр-шафқат уруғларига нур, саховат бахш этгандек. Атроф-муҳит осойишта, осуда дамлар... Майин шабода эсар тоғлардан, наво келар боғлардан. Қушлар чуғирлашар Наврўз келди деб. Тўрғай сайраб-сайраб, нималарнидир куйлаб кенг самога кўтарилиб-кўтарилиб кейин қайтиб тушар она заминга, гўё осмон азалдан мўъжиза кўргандек... Ҳа, Наврўз сеҳрлаб қўйган эди бутун борлиқни...

Бугун Наврўз, кеча билан кундузнинг баробарлашган куни, яхшилик, олижаноб ҳис-туйғулар туғиладиган кун. Эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган дақиқа. Дилингда, юрагингнинг тагтугида қандай орзуларинг бор, фақат дилдан чиқариб сўра, мурод мақсадингга етгайсан. Ҳа, азизлар Наврўз ана шундай мўътабар, муқаддас кун.

Бугун Наврўз, сеҳрли дамлар... Ана қаранг, азим тоғ чўққиларидаги қорлар Қуёш тафтидан эриб, қоятошларга урилиб, пишиб, етилиб, кейин катта қудратли оқинга айланади, теп-текис водийларга, боғ-роғларга, ўтлоқларга, инсонларга ҳаёт бахш этади, бу софлиқ, ҳалоллик, имон бахшидаси, табиатнинг буюк иноятиҳ. Ҳа, одамларга ана шундай аҳлоқий урфлар ҳамиша насиб бўлсин. Имон ва виждонимизни лафзимиз олдига қўйиб баралла айтайлик: оламни сақланг, одамларни асранг, азизлар!

Наврўз кирди. Узоқ-узоқларга бир назар ташланг-а. Сайёд катта йўл билан қайгадир шошар, қадамлари илдам, унинг қиладурғон ишлари кўп, ҳали нималар кутади у шўрликни ҳам. Кўм-кўк яйловлар оралаб ҳув анави тоғ ёнбағирлари томон Сайёра боради, куйлаб, сўйлаб, бўзлаб... Ортида оҳу эргашиб...

Кимдир майин қўшиқ куйлайди:

Сайдинг қўйбер Сайёд,
Сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидан,
Бечора экан мендек.

Мақсуд ҚОРИЕВ.







Юбилей арафасида

БАХТ КУЙЧИСИ

ЮНЕСКОнинг қарорига биноан 1990 йил Пастернак йили, деб эълон қилинган. Унинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун ижодий меросини ўрганиш борасида шоирнинг юртида махсус комиссия иш олиб бормоқда. Борис Леонидович Пастернакнинг эрк ва бахтни тараннум этган, инсон туйғулари билан йўғрилган ажойиб асарлари нафақат Иттифоқимизда, балки кўплаб чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Юбилей арафасида Пушкин номли тасвирий санъат музейида «Пастернак олами» кўргазмаси очилди. Унга қўйилган шоирнинг шахсий нарсалари, суратлари, қўлёзмалари ҳамда турли йиллардаги тўпламлари, рассомлар томонидан яратилган у ҳақдаги асарлар кўпчиликнинг диққатини тортяпти. Бундан ташқари шоирнинг мемориал музейини очиш режалаштирилмоқда.


СУРАТЛАРДА: (юқорида чапда) 1932 йил. Б. Пастернак ва К. Жуковский ВЛКСМнинг X конференциясида.

Шоирнинг совет ва чет элларда нашр этилган китоблари.

Марина Цветаева ва Борис Пастернакнинг мактуб ва асарлари асосида яратилган «Чўкиб кетган Орол» номли адабий спектакль муаллиф ва ижрочилари — актёрлар Елена Муротова ва Евгений Радомислевский.

И. ЗОТИН суратлари. ТАСС суратлавҳаси.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар нозирлигининг матбуот маркази хабар қилади



...НОВВОС ҚИСМАН ҚАЙТАРИЛДИ

Ярим тунда Бекобод ноҳиясидаги Ойбек номли совхоз фермаси яқинида ўралашиб юрган уч шарпа қоронғулик бағрига сингиб кетишдан олдин сўқимга боқилаётган новвосни етаклаб йўлга тушдилар. Кундан кун этига эт қўшилаётган новвоснинг йўқолганидан ташвишга тушган ферма аҳли чор-атрофни кўздан кечиришди. Лекин новвоснинг ярмини гина даладан топиб олишди. Милиция ходимлари нимталанган гўштни ҳали пуллашга улгурмаган ўғриларнинг изига тушиб, икки кундан сўнг уларни тутдилар.

Новвос ўғрилари Ленинград совхозининг икки нафар ишчиси ва яна бири ҳеч қаерда ишламайдиган йигит бўлиб чиқди.

ОТ ЎҒРИЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Бир вақтлар тилимизда роса истеъмолда бўлган «от ўғриси» деган ибора анчадан бери ишлатилмай келинаётган эди. Аммо кейинги пайтда яна от ўғрилари кўпайиб қолди.

26 январга ўтар кечаси Бўка ноҳиясининг «Кўк — орол» совхози даласидан У. Ертаевнинг бияси, Ш. Қамбаровнинг айғири изсиз ғойиб бўлган. Шунингдек, А. Турғунбоевнинг ҳам Фрунзе номли колхоз территориясида қолдирган тойи тўсатдан йўқолиб қолган. Ноҳия ички ишлар бўлими ходимлари от ўғриларидан бирини ушладилар. У ҳунар-техника билим юртининг 17 ёшли ўқувчиси экан.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
милиция капитани.

ИБРОҲИМНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?



Исоқов Иброҳимжон Каримович 1989 йилнинг 7 ноябрь куни эрталаб уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган. У 1970 йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ноҳиясидаги Яйпан шаҳрида туғилган. Яйпан шаҳридаги Ленин кўчаси, 152-уйда яшаган. Маълумоти йўқ. Руҳий касаллар рўйхатида ҳисобда турарди. Яхши гапира олмайди.

Белгилари: ўрта бўйли, озғин, юзи чўзинчоқ, қора кўз. Уйдан чиқиб кетганида устида жигарранг курткаси, кўк рангли жемпер, бошида эса дўппи, оёғида қора рангдаги ботинкаси бўлган.

Иброҳим ҳақида маълумотга эга бўлганлар ёки уни кўрганлар бўлса, ўзларига яқин ички ишлар бўлимларига хабар қилишларини сўраймиз.

Тарбиячининг тажрибаси

УСПЕНСКИЙ номли махсус мактаб-интернат муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. А. Попович Тожикистон маданият ва санъат ўқув юртлари муаллимларининг анъанавий учрашувига тажриба алмашиш учун таклиф этилганди. Тамара Афанасьевна бир қанча очиқ дарс ўтказди. У бу дарсларда ўзининг ўқитиш усуллари, истеъдодли болаларни қандай қидириши ҳақида гапириб берди.

Тамара Афанасьевна кўп мусиқачиларни тарбиялади. Улар орасида халқаро, Бутуниттифоқ, жумҳурият кўрик мусобақаларининг ғолиблари бор. Муаллима Душанбе шаҳрига ўзининг ҳозирги ўқувчилари Фазлиддин Ҳусанов, Женя Морский билан бирга борди. Ана шу ёш пианиночиларнинг муваффақиятли концертлари ҳақида Тожикистон матбуотида яхши мақолалар босилди.

Тошкентда поляк қўшиқлари

ЎЗБЕКИСТОН пойтахтида поляк қўшиқлари бутуниттифоқ конкурсида қатнашувчи даъвогарлар аниқланади. Бу ерда, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида кеча Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан келган ижрочиларнинг ўзаро беллашуви бошланди. Рус ёш томошабинлар театри саҳнасида якунловчи концерт бўлади. Ҳакамлар ҳайъатига «Ялла» ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров бошчилик қилади.

Ўзбекистондан ушбу кўрикда Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан келган олтита коллектив қатнашади.

(ЎзТАГ).

ТВ

10 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

* * *

10.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила». 11.15 Ёш спортчи мактаби: 1. Кураш. 2. «Шоҳруҳ» клуби. 12.15 «Объективда — қайта қуриш». Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг ижара пудрати шароитларидаги иш тажрибаси ҳақида. 12.55 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун программа. 13.55 «Демократия йўлидан». Янги сайлов системаси ҳақида.

Тижорат видеоканали

14.25 Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳия. «Зилола» ансамблининг концерти. 15.05 «Илғор тажриба мактаби». Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳия «Дашнобод» совхози коллективининг иш тажрибаси ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қароқчининг ёзишмалари». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Долзарб интервью». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан суҳбат. 20.00 Муножот Йўлчиева куйлайди. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Муножот Йўлчиева куйлайди (давоми). 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Экранда — кинокомедия. «Тўғри сўзнинг тўқмоғи» («Мосфильм»). 23.15 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Заминимизнинг ўша бурчаги...». Фильм-концерт. А. С. Пушкин ёзиб олган халқ қўшиқлари. 9.55 «Сиз яратган боғ». 10.25 «Инсон институти». 11.25 «Ҳайвонот оламида». 12.25 «Борис Пастернак». Таваллудининг 100 йиллигига. 13.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм («Беларусьфильм»). 1 ва 2-сериялар. 15.50 «Таиланд: анъаналар ва замонавийлик». 16.20 Оила экрани. «Француз тили дарслари». Телевизион бадиий фильм. («Мосфильм»). 18.00 «Камалак» Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Оркестр садолари остида» (Швейцария). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Мушук ва масхарабоз». Мультфильм. 19.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Миллионни қандай ўғирлаш мумкин». Бадиий фильм (АҚШ). 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Телетомошабин ҳамроҳи». 22.15 «Биргаликда куйлайлик, дўстлар». 00.10 С. Лем. «Бутерброд». Телеспектакль. Премьера.

● МТ II

12.10 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатилади. 13.10 «Юрмала-90». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг регионал босқичи. Минскдан кўрсатилади. 14.30 «Уста ва Бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 17.40 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 18.10 «Мен — шифокорман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 Педагогика ҳамма учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эртак-эртак ўйнаймиз». 3-кўрсатув. 20.45 «Агар сиз...». 21.30 «Виват, Россия!». 22.10 «Наҳот бу ўша Татьяна». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.10 «Жаз юлдузлари». Д. Браун ва О. Лундстрем раҳбарлигидаги оркестр.

«ЁШ МУХБИРЛАР» ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Дорилфунуннинг навбатдаги машғулоти бугун соат 17.00 да редакция биносида ўтказилади. Машғулотни ТошДУ профессори Очил Тоғаев олиб боради.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
Д. — 28128.
Р — 03096.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.